Юқорида келтирилган омилларни ҳисобга олинса, такрорий экинларни етиштиришда ерни экишга тайёрлашда пасив ишчи органлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ эмас усулнинг афзаллиги иккинчи усулнинг камчилигидир. Такрорий экин униб чиққач, анғизни тупроққа майдалаб аралаштириш ёки йиғиштириб олиш масаласи муаммолигича қолади. Мавжуд технология бўйича қатор ораларига ишлов беришда бир неча пасив ишчи органлар ўрнатилган култиватордан фойдаланилади. Пасив ишчи органлар тупроқни ёки тупроқни ҳайдов қатлами остида кўтариб, ёки икки томонга ағдариб кесакларга ажратади. Ҳосил бўлган кесакларда буғдойнинг илдизлари ва поялари мавжуд бўлганлиги сабабли майдаланиши қийин, эгатда турли ҳолатларда жойлашиши ва эгат чўққисига ҳам чиқиб кетиши, бир-бирига илашиб ишчи органлар олдидан тўпланиши ва эгат чўққисини тўла ёпиб қўйиши ҳам мумкин. Ҳосил бўлган кесаклар фақат иккинчи культивацияда, трактор ғилдираклари остида эзилиб майдаланиши мумкин, аммо анғиз кўмилмай қолади ва кейинги тупроққа ишлов беришларда халакит беради. Кўриниб турибдики, анғиз билан қопланган тупроқни ишлашда пасив ишчи органларни қўллаш иш сифатининг пастлиги ва харажатларнинг кўплиги билан такрорий экин етиштириш таннарини ошириб юборади. Юқорида келтирилган омилларни таҳлил қилиб, такрорий экин етиштиришда пасив ишчи органларни қўллаш мақсадга мувофиқ эмас деган хулоса чиқариш мумкин.

Бу муаммонинг ечимини такрорий экинларни етиштиришда актив ишчи органлардан фойдаланиб ҳал қилиш мумкин. Актив ишчи органлар эгат чўққисини энсиз кенгликда экишга тайёрлаш, экиш ва культивация жараёнида анғизни майдалаб тупроққа аралаштириб юбориш имкониятини беради.

АДАБИЁТЛАР

1. Чаткин М.Н. Повышение эффективности функционирования комбинированных почвообработывающих машин с ротационными активными рабочими органами. Автореферат на соискание ученой степени доктора технических наук. Саранск, 2008, 41 стр.

1. Андижон вилояти Улугнор тумани Мингбулок касб-ҳунар коллежи махсус фан ўқитувчиси.

2. Наманган муҳандислик педагогика институти катта ўқитувчиси, т.ф.н.

Наманган муҳандислик – педагогика институти

кабул дилинди: 27.04.2012 й.

УДК 677.21:621

ТОЛАНИ ТОЗАЛАШ МАШИНАЛАРИ КОНСТРУКЦИЯЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ


Ахмедхожаев Х.Т., Хожиматов Р.С., Абдуқаҳҳоров З., Хожиматов У.

Мақолада толани тозалаш машиналари конструкцияларини такомиллаштириш ўрганилган.

Статье изучено усовершенствование конструкционных параметров волокло очистительных машин.

Article is studied improvement to designs parameter filament of the cleansing machines

Тадқиқотларимиз натижалари шуни кўрсатадики, аррали цилиндр сиртидаги толалар тўплами (холстик) қалинлиги 3 мм дан ошмайди ва у асосан арра диски тиши оралиғида жойлашган бўлади. Бу шуни кўрсатадики аррали цилиндр α_0 бурчакка бурилганда пахта толаси арра тишини тубида жойлашади ва тола арра тиши билан колосник ўртасидаги Δ оралик орасида жойлашади.



Расм 1. Толалар тўплами (холстик) баландлигини Δ оралик билан боғликлги.

Толани тозалаш шеткасида ўтиш жараёнида таъсир қилувчи кучларни (расм 1.) кўриб чиқамиз. Бунда: P_u'' - марказдан қочиш кучи инерцияси, P_c - ҳавони қаршилик кучи, T

ишқаланиш кучи, N - арра тишини толага таъсири,

P_k'' - кориолис кучи, γ - арра тишини олдинги эгилиш бурчаги, XOY - координаталар ўқи.

Бундан кўрамизки,

$$P_u'' = \frac{mV^2}{R} \quad (1)$$

$$P_c = cV^2$$

$$P_k'' = 2\omega V_r m \quad (2)$$

Бунда, m – толалар тўпламини массаси.


V – аррали цилиндр тезлиги,

R – аррали цилиндр радиуси,

C – каршилиқ коэффициенти,

V_r – толани арра тиши бўйлаб ҳаракат тезлиги,

ω – аррали цилиндрни бурчак тезланиши .



Расм.2. Толага таъсир қилувчи кучлар схемаси.

Толалар тўпламини арра тиши бўйлаб ҳаракатини дифференциал тенгламасини ОХ ўқи бўйича тузамиз:

$$m\ddot{x} = P_k'' \cos \gamma - T - P_c \sin \gamma \quad (3.)$$

Оу ўқи бўйича кучларни проекциялаймиз, ҳамда аниқлаймиз

$$N = P_k'' + P_c \cos \gamma - P_k'' \sin \gamma \quad (4.)$$

Бунда,

$$T = \mu N \quad (5.)$$

μ - ишқаланиш коэффициент

Умуман, 4 ни 5 га ва уни 3 қўйиб, қуйидагини топамиз,

$$m\ddot{x} = P_k'' \cos \gamma - \mu(P_k'' + P_c \cos \gamma - P_k'' \sin \gamma) - P_c \sin \gamma$$

Бунда V га нисбатан V_r – толани арра тиши бўйлаб ҳаракат тезлигини кичик бўлганлиги учун P_k'' - кориолис кучини ҳисобламаса бўлади.

У ҳолда тенгламани ўнг қисми ўзгармас бўлади ва у қуйидаги кўринишда бўлади:

$$m\ddot{x} = A \quad (6.)$$

(6) ни қуйидаги кўринишда ёзамиз:

$$\frac{dV_x}{dt} = \frac{A}{m} \quad (7.)$$

Тенглама (7)ни ўзгарувчиларни бўлиш методи билан ечамиз

$$dV_x = \frac{A}{m} dt \quad (8.)$$

$$V_x = \frac{A}{m} t + c \quad (9.)$$

Бунда, C - ўзгармас коэффициент.

Бошланғич ҳолат асосида аниқлаймиз:

Бу $t=0, V_x=0, C=0$

$$У \text{ холда} \quad V_x = \frac{A}{m} t \quad (10.)$$

(10.27.), интеграциялаймиз

$$V_x = \frac{dx}{dt} \quad (11.)$$

$$\text{Бунда оламиз} \quad x = \frac{At^2}{2m} + C_1 \quad (12.)$$

C_1 – ўзгармас интеграциялаш коэффициенти

Бошланғич ҳолат асосида аниқлаймиз

бунда $t=0, x=0, C_1=0$

$$У \text{ холда} \quad x = \frac{At^2}{2m} \quad (13.)$$

Агар аррали цилиндр ω бурчак тезлик билан ҳаракатланаётган бўлса ва u қандай вақтда α_0 (рис.2.9.) бурчакка бурилади

$$t_1 = \frac{\alpha_0}{\omega} \quad (14.)$$

тенгламага t_1 (13.30.) қўйиб, қуйидагини кўринишни оламиз ва бу билан толалар

бўлақларини колосник бўйлаб ўтган йўлини топамиз

$$x = \frac{A}{2m} \left(\frac{\alpha_0}{\omega} \right)^2 \quad (15.)$$

Толалар бўлақларини ҳаракатини ҳисоблаймиз ва қуйидагиларни қўйамиз, бунда :

$$m=1,5 \cdot 10^{-5} \text{ кгс}^2/\text{м}, V=15 \text{ м/с}, C_b \approx 1,0, R=0,155 \text{ м}, \mu=0,3, \gamma=10^0, \alpha_0 = \frac{\pi}{9}, \omega = 95 \frac{1}{\text{с}};$$

Аниқлаймиз “А” $A = P_u'' \cos \gamma - \mu(P_c \cos \gamma - P_u'' \sin \gamma) - P_c \sin \gamma$

$$P_u'' = \frac{mV}{R} = \frac{1,5 \cdot 10^{-5} \cdot 15^2}{0,155} = 0,0217 \text{ кгс}$$

$$P_c = cV^2 = C_b \frac{\gamma_s}{2g} \cdot P_m \cdot V^2 = 1,0 \frac{30}{2 \cdot 9,8} \cdot 0,9 \cdot 10^{-4} \cdot 15^2 = 0,0315 \text{ кгс}$$

бунда: C_b - толалар бўлақларини қаршилик коэффициенти ($C_b \approx 1,0$)

γ_s - (плотность) толалар бўлақларини зичлиги (30 кг/м^3)

$g = 9,8 \text{ м/с}^2$

$F = 0,9 \cdot 10^{-4} \text{ м}^2$ – толалар бўлақлари юзаси.

$$A = 0,0217 \cdot \cos 10^0 - 0,3(0,0315 \cos 10^0 - 0,0217 \sin 10^0) - 0,0315 \sin 10^0 = 0,0077$$

тенглама (15.32.) га қўйиб, аниқлаймиз

$$x = \frac{0,0077}{2 \cdot 1,5 \cdot 10^{-5}} \left(\frac{3,14}{9 \cdot 95} \right)^2 = 0,0034 \text{ м} \text{ или } X=3,4 \text{ мм.}$$

Умуман, толалар тўплами (холстик) баландлиги, аррали цилиндр ва колосник орасидаги оралик нисбатлари таъсирини ва $X=3,4 \text{ мм}$ силжишдаги динамик ҳоатини кўриб чиқамиз. (рис.2.11.)

бунда: h_x – холстик баландлиги, h_z – арра тиши баландлиги,

Δ - арра тиши ва колосник орасидаги оралик.

Агарда, толалар тўплами (холстик) арра тиши устига жойлашиши ва Δ ораликни беркитиши ва колосник билан ўзаро таъсирда бўлиши учун куйидаги талаблар бажарилиши лозимдир:


$$x \cos \gamma \geq (h_3 - h_x) + \Delta + h_6 \quad (16.)$$

бунда, h_6 - колосник чизигидан ўтган қисм баландлиги.

Бу ҳолда $h_3=4\text{мм}$, $h_x=3,0\text{ мм}$, $\Delta=2 \pm 1,5\text{ мм}$, чизмага асосан, $h_6=1,0\text{ мм}$, бунда $\Delta=2+1,5\text{ мм}=3,5\text{ мм}$.

$$x = \frac{1}{\cos \gamma} [(4 - 3) + 3,5 + 1] = 5,6\text{мм}$$

Бу $\Delta > h_x$ ҳолатда, тола арра тишидан чиқади.



Расм 3. Холстик, арра тиши баландлиги ва колосник орасидаги Δ ораликни толага таъсири схемаси

Агар $\Delta = 2-1,5\text{мм}=0,5$

$$x = \frac{1}{\cos \gamma} [(4 - 3) + 0,5 + 1] \approx 2,6\text{мм}$$

$\Delta < h_x$ ҳолатда толалар тўплми (холстик), арра тишидан тушмай колосник бўйлаб урилиб толани тозалаш жараёни бажарилади, лекин бунда колосник билан толалар тўплами (холстик)ни фақат бир қисми 1мм гача бўлгани ўзаро таъсирда бўлади. Натижада тола тўплами (холстик), арра тиши баландлиги ва колосник Δ оралигидаги толаларни кучлар таъсирида силжиши аникланади.

АДАБИЁТЛАР

1. Корабельников Р.В., Хожиматов Р.С. и др. «Повышение эффективности очистки хлопкового волокна на прямоточных волокноочистителях». Материалы международной НПК «Актуальные проблемы техники-технологии переработки льна и производства льняных изделий Кострома, 2001 год.
2. Корабельников Р.В., Хожиматов Р.С., и др. Эффективность очистки хлопкового волокна на прямоточных волокноочистителях Известия ВУЗов: Технология текстильной промышленности. 1997. № 1.

Наманган мухандислик - технологияси институти

кабул қилинди: 24.05.2012 й.

КОМБИНАЦИЯЛАШГАН АГРЕГАТ ИШ ҚУРОЛЛАРИНИНГ САМАРАЛИ ИШИНИ АНИҚЛАШ


Игамбердиев А.К., Мурадов Р.Х.

Мақолада кузги буғдой экиш олдидан ғўза қатор орасига ишлов бериш сифатини, тупрокнинг уваланиш даражасини ва сув ўтказувчанлигини оширувчи ҳамда экилган буғдойни тез униб чиқишини таъминловчи янги энергиятежамкор самарали технология ва қатламли ишлов берувчи комбинациялашган агрегат таклиф этилади.

В статье предлагается новая энергосберегающая эффективная технология и комбинированный агрегат для послойного рыхления почв в междурядьях хлопчатника для обеспечения качественной обработки, крошения, водопроницаемости и всхожести.

The results of theoretical studies to determine the resistance of arcuate thrust openers.

Кузги буғдой экиш олдидан ғўза қатор орасига ишлов бериш сифатини, тупрокнинг уваланиш даражасини ва сув ўтказувчанлигини оширувчи ҳамда экилган буғдойни тез униб чиқишини таъминловчи янги энергиятежамкор самарали технология ва қатламли ишлов берувчи комбинациялашган агрегат таклиф этилмоқда. (1-расм).



2-расм. Қатламли ишлов бериш технологияси бўйича юмшатишган ғўза қатор ораси кўндаланг кесим профили

Таклиф этилаётган комбинациялашган агрегатнинг техник янгиллиги муаллифлик гувоҳномаси билан химоя қилинган [1].

Комбинациялашган агрегат иш қуроллари тўпламининг самарали иши ишлов бериш чуқурлиги ва таъсир этилган ғўза қатор ораси кўндаланг кесим зонанинг юмшатишганлик даражаси билан аниқланади. Юмшатишганлик даражаси ишчи қуролларнинг параметрлари, ишлов бериш чуқурлиги, жойлашиш схемаси ва тупрокнинг физик-механик хусусиятларига боғлиқ

$$\hat{E}_{.pi} = \frac{F_{pi}}{F} \quad (1)$$

бунда $F_{юм}$ – ғўза қатор ораси кўндаланг кесимининг юмшатишган юзаси, см²; F – ғўза қатор ораси кўндаланг кесимининг юмшатиш чуқурлиги чегараси бўйича умумий юзаси, см².

Биринчи қатламга ишлов берилган тупроқ деформациясининг кенглиги $A_{\text{деф}}$ қатор ораси кенглигидан кичик ёки тенг бўлиши керак, яъни

$$\begin{aligned} b_3 + 2a_3 \operatorname{ctg} \psi_{\vartheta n-1} &\leq A_{\text{қатор ораси}} \\ \text{ёки} \quad b_3 + 2a_3 \operatorname{ctg} \psi_{\vartheta n-1} &\leq 90 \text{ см} \end{aligned} \quad (2)$$

Ўз навбатида иккинчи қатламга ишлов берилган тупроқ деформациясининг кенглиги $A_{\text{деф}}$ биринчи қатламга, учинчи қатлам деформацияси кенглиги иккинчи қатламга ишлов берадиган иш қуроли кенглигидан кичкина бўлиши керак, яъни

$$\begin{aligned} b_2 + 2a_2 \operatorname{ctg} \psi_{\vartheta n-2} &\leq b_3 + 2a_3 \operatorname{ctg} \psi_{\vartheta n-1} \\ b_1 + 2a_1 \operatorname{ctg} \psi_{\vartheta n-3} &\leq b_2 + 2a_2 \operatorname{ctg} \psi_{\vartheta n-2} \end{aligned} \quad (3)$$

Юқорида келтирилган ифодаларнинг тахлили шуни кўрсатадики, ғўза қатор орасининг юмшатиш даражаси $b = 5; 10; 15; 20$ см қамров кенгликларига эга бўлган бармоқларда мос ҳолда $K_{\text{юм}} = 0,38; 0,44; 0,55; 0,56$ тенг бўлиб, 30 см чуқурликда тупроқнинг сифатли уваланишини таъминлай олмайди.


Бундан ҳулоса қилиш мумкинки, ғўза қатор орасини кузги буғдой экишга сифатли тайёрлашда ҳозирда қўлланилаётган иш қуроллари билан эришиб бўлмайди. Тупроққа ишлов беришда бўйлама йўналиш бўйича деформациянинг тарқалиши синиш бурчаги ψ_{ϑ} билан ифодаланади. Синиш бурчаги ψ_{ϑ} тупроқ физик-механик хоссалари ва бармоқнинг ўрнатиш бурчагига боғлиқ ҳолда В.П.Горячкин формуласи бўйича аниқланади [2, 3].

$$\psi_{\vartheta} = \frac{\pi}{2} - \frac{\alpha + \varphi_{\bar{n}} + \varphi_m}{2} \quad (4)$$

бунда α - бармоқнинг юмшатиш бурчаги, град; φ_c - тупроқнинг ташқи ишқаланиш бурчаги, град; φ_m - тупроқнинг ички ишқаланиш бурчаги, град.

Тупроқнинг биринчи қатламига ишлов берадиган уч ёнли бармоқнинг юмшатиш α , кўкрак β ва қанотларининг ҳаракат йўналишига нисбатан очилиш 2γ бурчаклари ўзаро бир бири билан боғланган (2-расм).


$$\operatorname{tg} \alpha = \frac{\operatorname{tg} \beta}{\sin \gamma} \quad (5)$$



2-расм. Қатор ораси биринчи қатламига ишлов берувчи иш қуроли схемаси

Биринчи қатламга ишлов берилган тупроқ деформациясининг кенглиги (3) ифодадан, бармоқнинг кенглиги b_1 , ишлов бериш чуқурлиги a_1 ва бўйлама йўналиш бўйича синиш бурчаги ψ_6 га боғлиқ (3-расм).

Тупроқ деформациясининг тарқалиш кенглигини бармоқ кенглигига (ишлов бериш чуқурлиги $a_1 = 10$ см, ўрнатиш бурчаги $\alpha = 20^\circ$ бўлган қийматлар учун) ва ўрнатиш бурчагига (камров кенглиги $b_1 = 65$ см, ишлов бериш чуқурлиги $a_1 = 10$ см бўлган қийматлар учун) боғлиқ равишда ўзгариши графикда келтирилган (3-расм). Бармоқнинг ўрнатиш α бурчагини 20° дан 40° бўлган оралиғида тупроқ деформациясининг тарқалиш $A_{\text{деф}}$ кенглиги 81 см дан 88,5 см гача ва бармоқнинг камров кенглигини 10 см дан 90 см гача бўлган оралиғида 33, 8 см дан 113,8 см гача ўзгариши кузатилади.



3-расм. $A_{\text{деф}}$ қийматининг b_1 ва α га боғлиқ ўзгаришига нисбатан бармоқлар камров кенглигини аниқлаш номограммаси

Шартга (3) кўра, тупроқ деформациясининг тарқалиш кенглиги ғўза қатор орасидан кичик ёки тенг бўлиши учун ишлов бериш чуқурлиги $a_1 = 10$ см бўлган иш қуролининг камров кенглиги $b_1 = 65$ см бўлиши керак.

Хулоса қилиш мумкинки, ғўза қатор орасига ишлов беришда тупроқнинг юқори қатламини сифатли юмшатиш учун 10 см чуқурлик билан 65 см камров кенгликдаги уч ёнли пона кўринишидаги иш қуроли тавсия этилади.

Иккинчи ва учинчи тупроқнинг қатламини юмшатувчи бармоқ кенгликлари номограмма ёрдамида танлади (3-расм). Бунда иккинчи қатламга ишлов берадиган иш қуроли уч ёнли, учинчи қатламники икки ёнли пона кўринишида тавсия этилади ва (2), (3) шартларга мувофиқ $b_2 = 36$ см ; $b_1 = 12$ см қийматлар танлаб олинади.

АДАБИЁТЛАР

1. Игамбердиев А.К. А.С. СССР № 4234728. Кл. А 01 В 13/16.
2. Горячкин В.П. Собрание сочинений, в 3-х томах. Т.2. М.: Колос, 2006.-455 б.
3. Горячкин В.П. Собрание сочинений, в 3-х томах. Т.3. М.: Колос, 2004. -384 б.

ЎЗГАРМАС КЕСИМЛИ ПНЕВМАТИК СЕПЕРАТОРДА ПАХТА ЧИГИТИ ҲАРАКАТИНИНГ НАЗАРИЙ ТАДҚИҚОТИ

Ахмедходжаев Х.Т., Турсунов А.

Мақолада горизонтал ҳаво оқими таъсирида чигитларнинг фракциялар бўйича саралаш муаммоси кўрилган. Саралаш камерасида чигитларнинг массалари бўйича тақсимланиш қонуниятларини ўрганиш учун математик модел таклиф қилинган.

В статье рассмотрена проблема сортировки хлопковых семян по фракциям под действием горизонтального течения воздуха. Предлагается математическая модель для изучения распределения по массе хлопковых семян в сортировочной камере.

Problem of the sorting cotton is considered in article on faction under the action of horizontal current of the air. The mathematical model is Offered for study distribution on mass cotton in sorting camera.

Ҳозирги пайтда пахта тозалаш корхоналари технологик жараёнига қўйилаётган асосий талаблардан бири уруғлик чигит тайёрлаш технологиясини самарадорлигини ошириш, чигитнинг табиий физик-механик хусусиятларини сақлаган ҳолда сара уруғлик тайёрлашдан иборат. Пахта тозалаш корхонасининг саралаш технологик жараёнида уруғлар таркибига турли хил ифлосликлар, етилмаган чигитлар қўшилиб кетиши кузатилмоқда. Натижада уруғлик тайёрлаш сифат кўрсаткичларини пасайишига олиб келмоқда.

Шунинг учун тадқиқотда юқоридаги камчиликларни тугатиш мақсадида пахта чигитини ифлосликлардан самарали тозалаш ва чигитларнинг шикастланишини камайтириш учун янги саралаш технологияси таклиф этилади. Янги технологиянинг асосий иш усули ҳаво оқими таъсирида саралаш бўлиб, сепарацион камеранинг ҳажми ўзгарувчан бўлганлиги сабабли ҳавонинг тезлиги камайиб аэродинамик хусусиятларига қараб, қаршилиқ ва оғирлик кучи таъсирида фракциялар бўйича ажралиш ҳосил бўлади.

Тадқиқотдан асосий мақсад, ҳаво оқими таъсирида чигитларнинг камерадаги ҳаракатланиши қонуниятларини ўрганишдан иборат бўлиб, математик модел асосида, чигитни ҳаракат қонуниятларини ифодаловчи мувозанат шартлари Даламбер принципи асосан, дифференциал тенгламалар орқали ифодаланади.

Маълумки, мавжуд вертикал саралаш установкаларида чигитларни фракцияларга ажратиш бир мунча яхши бўлса ҳам, энергия сарфини камайтириш қийин кечади. Горизонтал қия турли саралагичларда эса, чигитларни шикастланиши ва тўлиқ фракцияларга ажратишни таъминлаш тўлиқ амалга оширилмайди.

Таклиф қилинаётган горизонтал ҳаво оқимида ишловчи чигит саралагичда: а) энергия сарфини камайтириш; б) ҳаво тезликларини танлаш ҳисобига чигитларни оптимал фракцияларга ажратиш; в) массага қараб, сара уруғлик чигитларни ажратиб олиш имкониятларини яратиш;


Чигитларни горизонтал камерада ҳаво оқими таъсиридаги ҳаракат қонуниятлари ифодаловчи математик модел тузилиб, бунда қуйидаги соддалаштиришлар қабул қилинди: ҳаво оқимида ҳаракатланаётган чигитлар бир-бирига таъсир кўрсатмайди; чигитлар массаларига қараб маълум учиш коэффициенти C_p ва аэродинамик қаршилиқ коэффициенти C_k га эга бўлган моддий нукта деб олиш; чигитни саралаш камерасидаги характерини ХОУ-Декарт координаталар системасида (1-расм) қараймиз. Камерага кириб келаётган ҳаво оқими тезлиги V_0 бўлиб камераичидаги тезлиги V_x бўлиб, чигитларни камера ичидаги ҳаракат қонунияти $x(t)$, $y(t)$ бўлсин.

Тўлик сара уруғлик чигитлар массасини m_3 , тўлиқ етилмаган чигитлар массасини m_2 ва тукли чигитларни массасини m_1 деб оламиз.

1-расмда $G=m_{ig}$: чигитни оғирлик кучи

$Q_1=C_{ig}$ каршилиқ кучлари.

$\bar{P}_i=C_i(vl-x_i)$



1-расм. Саралаш камерасида чигитларни ҳаракатланиши ва унга таъсир этувчи кучлар

Чигитларнинг ҳаракатини ифодаловчи дифференциал тенгламаларни Лагранж принципига асосан тузамиз;

$$M_i = \frac{Q_i(t)}{s_0} - C_k \quad (i=1,2,3,)$$

$m_i \ddot{Y}_i - C_k Y - C_p \dot{Y} - m_i g$

$Q(t)$ -камера ичида ҳаво сарфини ўзгариши қонуниятини қуйидагича ёзамиз:

$$Q_i(t) = Q_0 \left(1 - \frac{x_i(t)}{l_0} \right)$$

Бу ерда Q_0 - бошланғич кириш ҳаво сарфи; l_0 -камера узунлиги.

Мос равишда бошланғич шартлар қуйидагича олинади. Чигитларни ҳаракат қонуниятларини аэродинамик қаршилиқ ҳамда тезликлари бўйича ҳисобга олган ҳолда ўрганилди. Лагранж принципига асосан қуйидаги ҳаракат тенгламалари системаси ёзилди. Бу ҳолда

$$\left\{ \begin{array}{l} m_1 \ddot{x}_1 = c_1(v_1 - \dot{x}_1) \\ m_1 \ddot{y}_1 = -c_1 y_1 - m_1 g \end{array} \right\} \quad t=0 \quad \begin{array}{ll} x_1(0) = 0 & x_1(0) = 10m/c \\ y_1(0) = 0,4m & y_1(0) = 0 \end{array}$$

$$0 \leq t \leq 5c$$

$$m_1 = 0,102 \text{ г}$$

$$m_2 = 0,118.5 \text{ г}$$

$$m_3 = 0,192 \text{ г}$$


$$\left\{ \begin{array}{l} m_2 \ddot{x}_2 = c_2(v_1 - \dot{x}_2) \\ m_2 \ddot{y}_2 = -c_2 y_2 - m_2 g \end{array} \right\} \quad \begin{array}{ll} x_2(0) = 0 & x_2(0) = 10m/c \\ y_2(0) = 0,4 & y_2(0) = 0 \end{array}$$

$$\left\{ \begin{array}{l} m_3 \ddot{x}_3 = c_3(v_1 - \dot{x}) \\ m_3 \ddot{y} = -c_3 y_3 - m_3 g \end{array} \right\} \quad \begin{array}{ll} x_3(0) = 0 & x_3(0) = 10m/c \\ y_3(0) = 0,4m & y_3(0) = 0 \end{array}$$

$$C = [0,32 \times 1,9]$$

$$V_1 = [10 \times 12] m/c$$


(м)



2-расм. Учиш коэффициенти билан қаршилиқ коэффициенти ўртасидаги боғланиш.

$c_k=0,6-\text{const}$	$c_p=0,008$	$x_1=0,1m$	$y_1(x_1)$
$c_p=0,01$	$x_2=0,12m$	$y(x_2)$	
$c_p=0,015$	$x_3=0,28m$	$y(x_3)$	
$c_p=0,02$	$x_4=0,48m$	$y(x_4)$	
$c_p=0,25$	$x_5=0,76m$	$y(x_5)$	

1, 2 графикларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, массаси катта чигитлар оғирлик кучи таъсирида яқин масофага тушиши аниқланди. 3, 4 графикларда чигитларнинг учиш коэффициенти билан қаршилиқ коэффициенти ўртасидаги боғланиш қонуниятлари аниқланди. 5 графикни таҳлил килсак, пуч, енгил чигитлар ва эркин аралашмалар узокрок масофага тушиши аниқланди.



3-расм. Қаршилик коэффициентини камайиши билан учиб бориш масофасини ўзгариши.

$$C_p=0,008$$

$$v_0=10\text{m/c-const}$$

$$c_k=0,4\text{-const}$$

$$x_1=0,15\text{m}$$

$$c_p=0,1$$

$$x_2=0,24\text{m}$$

$$c_p=0,15$$


$$x_3=0,48\text{m}$$

$$c_p=0,25$$

$$x_3=0,72\text{m}$$

$$c_p=0,03$$

$$x_3=0,96\text{m}$$




4-расм. Эластик қаршилик коэффициентини ортиши билан учиб бориш масофасини камайиши.

1, 2 графиклардан кўриниб турибдики эластик қаршилиги камайиши билан массаси катта чигитлар ҳам кўчиб бориш масофаси ортади. 3, 4, 5 графикларни таҳлил қиладиган бўлсак, қаршилиқ коэффициентига боғлиқ ҳолда тукли чигитларнинг ва пуч енгил эркин аралашмаларнинг учиб бориш масофаси янада ортади.

$c_k=0,1$	$c_p=0,015-\text{const}$	$v_0=10\text{m/c}-\text{const}$	$x_1=1,12\text{m}$
$c_k=0,2$			$x_1=0,84\text{m}$
$c_k=0,3$			$x_1=0,68\text{m}$
$c_k=0,4$			$x_1=0,52\text{m}$
$c_k=0,5$			$x_1=0,42\text{m}$

Графикларни таҳлил қилсак, $c_p=\text{const}$, $v_0=\text{const}$ бўлганда чигитларнинг эластик қаршилиқ коэффициенти ортиши уларнинг учиб бориб тушиши камайиши кузатилади. Массаси катта дондор чигитлар яқин масофага, тукли, енгил, пуч чигитлар ва аралашмалар узоқ масофага тушиши аниқланди.



5-расм. Эластик қаршилиқ коэффициенти массага боғлиқлиги.

$c_p=0,025-\text{const}$	$c_k=0,1$	$m=0,0001\text{кг}-\text{const}$	$x_1=1,32\text{m}$
	$c_k=0,2$		$x_2=1,16\text{m}$
	$c_k=0,3$		$x_3=1,1\text{m}$
	$c_k=0,4$		$x_4=0,84\text{m}$
	$c_k=0,5$		$x_5=0,74\text{m}$

Эластик қаршилиқ коэффициенти ўзгаришини массага ва масофага боғлиқлиги. $c_p=0,25-\text{const}$, $m=\text{const}$ бўлганда, c_k қийматлари ортиши билан чигитларнинг учиб бориш масофасининг ўзгариш қонуниятлари аниқланди.

$c_p=\text{const}$, $m=\text{const}$ c_k нинг қийматларига боғлиқ ҳолда чигит ҳаракатининг ўзгариш қонуниятлари аниқланди.

Графикларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, чигитларни фракциялар бўйича сараланишни асосан уларнинг ўз навбатида ҳаво оқимиға қаршилиқ коэффициентларини ўзгаришиға боғлиқ экан. Яъни дондор массали чигитлар яқин масофаға, қисман тукли

енгил пуч чигитлар ва уларнинг аралашмалари узок масофага учиб бориши, саралашни оптималлаштириш имконини яратмоқда.

АДАБИЁТЛАР

1. Н.С.Сорокин. "Аспирация машин и пневматический транспорт в текстильной пром. Москва-1970 г стр 5-10". 2. Ҳ.Т.Аҳмедходжаев, А.Турсунов "Пахта чигитини саралаш учун мўлжалланган пневматик сепаратор". Пахтачилик ва дончилик Республика илмий техника журнали 2000 йил 2-сон 30-32 бет. 3. Ҳ.Т.Аҳмедходжаев, А.Турсунов "Толали чигитни горизантал ҳаво оқими таъсиридаги ҳаракати" халқаро илмий-амалий анжуман. Наманган 2002 йил. 4. Ҳ.Т.Аҳмедходжаев, А.Турсунов, А.Каримов – "Туксизланган чигитларни ўзгарувчан кесимни горизантал аэродинамик қурлмадаги ҳаракатини ўрганиш". "Механика муаммолари" Тошкент 2005 йил 56-57 бет.

Наманган муҳандислик – иқтисодиёт институти

кабул қилинди: 24.05.2012 й.

УДК 631.321

ЁЙСИМОН ЭККИЧНИНГ ТОРТИШГА ҚАРШИЛИГИНИ АНИҚЛАШ

Мирзаахмедов А.Т.

Мақолада ёйсимон эккичнинг тортишга қаршилигини аниқлаш бўйича ўтказилган назарий тадқиқотларнинг натижалари келтирилган.


В статье приведены результаты теоретических исследований по определению тягового сопротивления дугообразного сошника.

The results of theoretical to determine the resistance of arcuate thrust openers.

Ёйсимон эккичлар экин экиш олдида тайёрланган майдонларга кузги бугдой уруғларини эгатча ҳосил қилиб, унинг тубига белгиланган чуқурликка экишга ва нам тупроқ билан қўмишга мўлжалланган [1]. Иш жараёнида маълум чуқурликда эккич тупроққа таъсир этади. Эккич параметрларининг мақбул қийматларини асослаш ҳисобига энергия сарфини камайтириш ва уруғларни агротехник талаблар даражасида экиш мумкин. Шу мақсадда, эккич параметрларини аниқлаш ва асослаш бўйича назарий тадқиқотлар олиб борилди.

Ушбу мақолада эккичларнинг тортишга қаршилигини аниқлаш бўйича олиб борилган назарий тадқиқотларнинг натижалари баён этилган.

Ёйсимон эккичнинг тортишга бўлган умумий қаршилиги пичок тиғи ва уруғ ўтказгич қаршиликларининг йиғиндисидан иборат бўлади (1-расм).



1-расм. Эккичнинг тортишга қаршилигини аниқлаш схемаси.

$$R_{\Sigma} = R_T + R_Y \quad (1)$$

бунда: R_{Σ} - эккичнинг тортишга умумий қаршилиги, Н;

R_T - пичок тиғининг тортишга бўлган қаршилиги, Н;

R_y - уруғ ўтказгичнинг тортишга бўлган қаршилиги, Н.

Ёйсимон экич пичоғининг қалинлиги тортишга қаршилик кучи ва тупрокнинг эзилиш деформациясига тўғри пропорционал деб, пичок тиғининг тортишга бўлган қаршилигини қуйидаги ифода билан аниқлаймиз [2]:

$$R_T = q \frac{b' h_s (\cos \varphi + \sin \varphi \operatorname{ctg} \gamma_y')}{\cos(\gamma_y' + \varphi)}, \quad (2)$$

бунда: q - пропорционаллик коэффициенти (тупрокни ҳажмий эзилиш коэффициенти), Н/м³;

h_s - экиш чуқурлиги, м;

γ_y' - пичок тиғининг ҳақиқий ўткирланиш бурчагининг ярми, град.

Бундан:

$$\gamma_y' = \operatorname{arctg} \left(\operatorname{tg} \gamma \sin \left(\arccos \frac{R - 0,5 h_s}{R} \right) \right) \quad (3)$$

Ёйсимон экичнинг тортишга қаршилигига уруғ ўтказгичнинг шакли ва ўлчамлари ҳам катта таъсир кўрсатади [3]. Уруғ ўтказгичнинг тортишга бўлган қаршилигини қуйидагича ифодаalayмиз:

$$R_y = F^* + F_{\text{ши}} + F_{\text{ин}}, \quad (4)$$

бунда: F^* - тупрок палахсаси томонидан уруғ ўтказгичнинг ён томонига таъсир этувчи сиқувчи кучдан ҳосил бўладиган қаршилик кучи, Н;

$F_{\text{ши}}$ - уруғ ўтказгичнинг ён томони бўйлаб сирпанишидан ҳосил бўладиган қаршилик кучи, Н;

$F_{\text{ин}}$ - уруғ ўтказгичнинг тупрок билан таъсирланувчи қисмида ҳосил бўлувчи инерция кучидан ҳосил бўладиган қаршилик кучи, Н. Тупрок палахсаси томонидан уруғ ўтказгичнинг ён томонига таъсир этувчи сиқувчи кучдан ҳосил бўладиган қаршилик кучи:

$$F^* = \sigma_c h_s (D - 2b) \cos \left(\frac{\pi}{4} + \frac{1}{2} \arcsin \frac{b}{0,5D} \right), \quad (5)$$

бунда: σ_c - тупрокни эзишдан ҳосил бўладиган кучланиш, Па;

D - уруғ ўтказгичнинг ташқи диаметри, м.

Тупрокни сирпанишидан ҳосил бўладиган қаршилик кучи:

$$F_{\text{ши}} = f \sigma_c h_s (D - 2b) \cos \left(\frac{\pi}{4} - \frac{1}{2} \arcsin \frac{b}{0,5D} \right), \quad (6)$$

бунда: f - тупрокни пўлат билан ишқаланиш коэффициенті. Инерция кучидан ҳосил бўладиган қаршилик кучи:

$$F_{ин} = 2Dh_3\rho V^2 \sin\left(\frac{\pi}{4} - \frac{1}{2} \arcsin \frac{b}{0,5D}\right) \operatorname{tg}\left(\frac{\pi}{4} - \frac{1}{2} \arcsin \frac{b}{0,5D} + \varphi\right), \quad (7)$$

бунда: P - тупрок зичлиги, кг/м³;

V - агрегат тезлиги, м/с.

(5), (6) ва (7) ифодалар қийматларини (4) ифодага қўйсак, қуйидаги кўринишга келади:

$$R_y = \sigma_c h_3 (D - 2b) \left[\cos\left(\frac{\pi}{4} + \frac{1}{2} \arcsin \frac{b}{0,5D}\right) + f \cos\left(\frac{\pi}{4} - \frac{1}{2} \arcsin \frac{b}{0,5D}\right) \right] + 2Dh_3\rho V^2 \sin\left(\frac{\pi}{4} - \frac{1}{2} \arcsin \frac{b}{0,5D}\right) \operatorname{tg}\left(\frac{\pi}{4} - \frac{1}{2} \arcsin \frac{b}{0,5D} + \varphi\right), \quad (8)$$

R_T ва R_y ларни (2) ва (3) ифодалар бўйича қийматларини (1) ифодага қўйиб, R_3 ни аниқлаш учун умумий ифодага эга бўламиз

$$R_3 = q \frac{b^2 h_3 (\cos \varphi + \sin \varphi \operatorname{tg} \gamma'_y)}{\cos(\gamma'_y + \varphi)} + \sigma_c h_3 (D - 2b) \times \left[\cos\left(\frac{\pi}{4} + \frac{1}{2} \arcsin \frac{b}{0,5D}\right) + f \cos\left(\frac{\pi}{4} - \frac{1}{2} \arcsin \frac{b}{0,5D}\right) \right] + 2Dh_3\rho V^2 \sin\left(\frac{\pi}{4} - \frac{1}{2} \arcsin \frac{b}{0,5D}\right) \operatorname{tg}\left(\frac{\pi}{4} - \frac{1}{2} \arcsin \frac{b}{0,5D} + \varphi\right) \quad (9)$$

Бу ифодага $q = 2 \cdot 10^6$ Н/м³; $2b = 0,005$ м; $h_3 = 0,04$ м; $\alpha_3 = 125^\circ$; $\varphi = 35^\circ$; $f = 0,4$; $\sigma_c = 2 \cdot 10^4$ Па; $D = 0,028$ м; $\rho = 1300$ кг/м³; $V = 1,5-2,5$ м/с; $R = 0,187$ м маълум қийматларини қўйсак R_3 ни қиймати 31,38-51,68 Н тенг бўлади.

Тупрокка ботиб маълум бир чуқурликда таъсир этаётган, илашаётган экичнинг тортишга қаршилиги тупрокнинг физик-механик хоссалари ва унинг конструктив параметрларига боғлиқ равишда ўзгаради. Иш шароитида белгиланган экиш чуқурлигида ҳаракатланаётган экичнинг тортишга қаршилиги иш тезлигининг ортиши натижасида ортиб бориши аниқланди.

АДАБИЁТЛАР

1. Шоумарова М.Ш., Абдуллаев Т.А. Қишлоқ хўжалик машиналари. - Тошкент: Ўқитувчи, 2002. - 424 б. 2. Нурабасов Б.У. Вибро типа и обоснование основных параметров рабочего органа культиватора для междурядной обработки хлопчатника в условиях Каракалпакистана. Дисс. на соискание ученой степени к.т.н. Январь-2009 г. 3. Рула Д. М., Андрюшук В. С. Взаимодействие комбинированного сошника с почвой при посеве мелкосеменных культур. // Механизация и электрификация сельского хозяйства. № 11-2008г. 10-11.

Тошкент ирригация ва мелiorация институтининг

қабул қилинди: 22.05.2012 й.

УДК 631.6

ЁМҒИРЛАТИБ СУҒОРИШ МАШИНАСИНING АМАЛИЙ ЎРГАНИЛГАН КЎРСАТКИЧЛАРИ

Қирғизов Х., Мамадалиев Ш.

Мақолада “Велли 8120” русумли ёмғирлатиб суғориш машинасининг ўрганилган илмий ва амалий тадқиқот натижалари келтириб ўтилган.

В статье приведены результаты научных и практических исследований дождевальной машины «Велли 8120».

In clause the results of scientific and practical researches water-sprinkler of the machine “Velli 8120” are given.

Сув танқислиги яққол сезилаётган ҳозирги даврда суғоришда сув тежамкорлигини таъминловчи техника ва технологияларни қўллашга катта эътибор берилмоқда. Масалан, ҳозирги даврда сув тежамкорлигини таъминлайдиган томчилатиб ва ёмғирлатиб суғориш технологиялари пахта ва қишлоқ хўжалик экинларини суғоришга жорий этилаётганини айтиб ўтиш мумкин. Шу вақтгача қишлоқ хўжалик экинларини суғоришда ёмғирлатиб суғориш технологияси қандай бўлиши яхши ўрганилмаган. Қандай турдаги ёмғирлатиб суғориш машиналарининг қайси бирини қўллаш мумкинлиги ҳақида тавсиялар берилмаган.

Хорижий давлатларда экинларни ёмғирлатиб суғориш тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, бу усулдан фойдаланиш орқали иш унумдорлигининг ошиши, ишчи кучларининг камайиши билан ҳосилдорликни олдинги ҳолатда сақлаб қолиш афзалликларини кўрсатмоқда.

Ёмғирлатиб суғоришдан деярли барча қишлоқ хўжалик экинларини суғоришда фойдаланиш мумкин.

Шуларни ҳисобга олиб, ЎзМЭИ “Экинларни суғориш” бўлими дон экинларини ёмғирлатиб суғориш технологиясининг иш кўрсаткичлари билан танишиш мақсадида Қуйичирчик туманидаги “Ўзбекистон беш йиллиги” тажриба хўжалигида жорий қилинган “Велли 8120” русумли ёмғирлатиб суғориш машинаси тимсолида ўрганиб чиқишга ҳаракат қилдик. Америка Қўшма Штатлари “Валмонт Ирригейшн” фирмасининг “Велли 8120” русумли фронтал ҳолатда ишлайдиган ёмғирлатиб суғориш машинаси тўғри тўртбурчакли далалардаги қишлоқ хўжалик экинларини бир хилда суғориш учун мўлжалланган. 1-жадвалда ушбу машинанинг техник характеристикаси келтириб ўтилган.

Ёмғирлатиб суғориш машинаси қуйидагилардан ташкил топган: “Камминз” двигатели билан жиҳозланган тележка, “Корнелл БРС” насоси, бошқарув панели, лотокдан сув сўриб берувчи мослама, сув етказиш учун “Т” шаклидаги қувур, оралик ғилдираклар, йўналтирувчи трос ва бошқа қисмлардан иборат.

Ўтказилган тажрибалар натижасида ушбу маълумотларни таъкидлаш мумкин: “Велли 8120” русумли ёмғирлатиб суғориш машинаси ёмғирлатиб суғориш технологик жараёнини бажаришга қодир. Технологик иш жараёнининг бошқа мавжуд ёмғирлатиб суғориш машиналаридан фарқи шундаки, бу машина нисбатан кам сув нормасини талаб қилувчи экинларни тез-тез суғориб туришга мўлжалланган.

Масалан, иш тезлигини ўзгартирувчи таймер ҳолати 100 % ҳолатига қўйилганда ҳар бир гектар майдонга берилган сув миқдори 66,6 м³ ни ташкил этишини тажрибадан аниқладик.

I-жадвал

“Велли 8120” русумли ёмғирлатиб суғориш машинасининг техник тавсифномаси

№	Кўрсаткичлар	Қиймати
1	Йўналтирувчи кабель, м	2700
2	Кабелнинг ердан баландлиги, м	0,75
3	Қамраш кенглиги, м	800
4	Двигателнинг ишчи ҳажми, л	5,88
5	Двигателнинг қуввати, кВт	138
6	Ёнилғи сарфи, л/соат	28,19
7	Насоснинг ФИК, %	88
8	Насоснинг сўриш баландлиги, м	1,72
9	Генераторнинг чиқиш қуввати, кВт	20
10	Айланишлар тезлиги, айл/мин	1800
11	Сўриш трубасининг диаметри, м	0,30
12	Ток кучи, А	30
13	Кучланиш, V	480

Агрономларнинг тавсиясига асосан эса ёмғирлатиб суғорилган тақдирда, буғдой далаларининг бир гектарига камида 500 м³ сув берилиши керак. Бунча микдордаги сувни бериш учун машина бир жойдан 8 мартагача ўтишга тўғри келади. Бу ўтишларга эса ўз-ўзидан ёнилғи мойлаш материаллари ва вақт сарф бўлади. Машинанинг иш тезлигини камайтирсак суғориш нормаси бир оз ошади, лекин бу ҳолатда ер юзасига сув сингиб улгурмай, оқиш ҳолатлари кузатилади. Суғорилган майдонда намлик даражасини ўлчаганимизда ҳам бу нарсанинг нисбатини кўрдик, кўриниб турибдики намлик катламлар бўйича бир хил эмас, ернинг юқори қисми лой бўлиб кетган.

“Велли 8120” русумли ёмғирлатиб суғориш машинасининг оддий ариқлар орқали суғоришда кетадиган харажатларга таққослаб иқтисодий кўрсаткичларини аниқлаганимизда, шу нарса аниқ бўлдики, ёмғирлатиб суғориш учун кетадиган харажатлар ариқлар орқали суғоришга нисбатан тўрт баробар кўп бўлиб чиқяпти.

Тадқиқотлар натижаларидан келиб чиқиб, шундай хулосага келдик: “Велли 8120” русумли ёмғирлатиб суғориш машинаси сувни жуда кам талаб киладиган экинларни суғоришда ишлатишга тавсия этиш мумкин. Донли экинларни суғориш учун эса “Волжанка”, “Днепр” русумли ёмғирлатиб суғориш машиналаридан фойдаланиб суғорилса мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Бу машиналарнинг асосий кўрсаткичи бўлган ёмғир жадаллиги тавсия қилинадиган ёмғир жадаллигига яқин ва улар позицияда туриб суғориш нормасини 1...2 марта ўтишда таъминлайди.

АДАБИЁТЛАР

1. Отчет научно-технического отдела по поливу. “Разработка технологии и выбрать эффективную технику для орошения зерновых культур дождеванием”. г. Янгйюль, 40 л., 2001 г. 2. Снпич Ю. Совершенствование технических средств орошения дождеванием. -М.: «Геликон», 2007 3. Криулин К. Орошение дождеванием. - М.: «Спб Год», 2003. 4. <http://www.polivclub.ru>

Наманган муҳандислик – педагогика институти

қабул қилинди 29.05.2012 й.

УДК. 621.01

ЎЗГАРУВЧАН УЗАТИШ НИСБАТЛИ ТАСМАЛИ УЗАТМА ПАРАМЕТРЛАРИНИ ПАХТАНИ ТОЗАЛАШ САМАРАДОРЛИГИГА ТАЪСИРИ

Джураев А.Д., Турдалиев В.М., Қосимов А.А.

Мақолада ўзгарувчан узатиш нисбатли тасмали узатма параметрларини пахтани майда ифлосликлардан тозалаш машинасининг тозалаш самарадорлигига таъсири ўрганилган ва тавсия параметрлари келтирилган.

В статье приведены влияние параметров ременной передачи с переменными передаточными отношением на очистительной эффект хлопкоочистительного машины от мелкого сора и рекомендуемые параметры.

The paper presents the influence of parameters of a belt transmission with variable gear ratio to the cleaning effect of the cleaning machine from a small litter and recommended settings.

Назарий ва экспериментал тадқиқотлар ўтказиш натижасидаларини таҳлил қилиб ишлаб чиқариш шароитида тажриба-синовлар олиб борилди. Тажриба-синовлар ўтказиш даврида ўзгарувчан узатиш нисбатли тасмали узатманинг янги конструкцияси, яъни таркибли тарангловчи роликли тасмали узатма пахта тозалаш машинасининг узатиш механизмига қўлланди. Бунда таркибли тарангловчи роликнинг ҳар хил параметрларидаги вариантларида тажрибалар ўтказилди. Тарангловчи ролик параметрлари 1-жадвалда келтирилган.

Тадқиқотларнинг мақсади пахтани майда ифлосликлардан тозалаш самарадорлигини ошириш, иш жараёнида тарагловчи ролик таъсирида машинанинг ишчи органларини берилган айланма тезлик ва ўзгарувчан бурчак тезликда ишлаш қобилиятини текшириш, ишлаш муддатларини ва иқтисодий самарадорлигини оширишдан иборат [1].

1-жадвал

Таркибли тарангловчи ролик параметрлари

№	Қайишқоқ элементли тарангловчи ролик эксцентриситети, мм	Резина тури (СКИ-3+СКД)	Эластик элементнинг қайишқоқлик коэффиценти, Н/м.
1	2,0	7-ИРП 13-46	$0,25 \cdot 10^4$
	3,5	7-ИРП 13-46	$0,25 \cdot 10^4$
	5,0	7-ИРП 13-46	$0,25 \cdot 10^4$
2	2,0	7-ИРП 13-47	$0,38 \cdot 10^4$
	3,5	7-ИРП 13-47	$0,38 \cdot 10^4$
	5,0	7-ИРП 13-47	$0,38 \cdot 10^4$
3	2,0	7-ИРП 13-48	$0,51 \cdot 10^4$
	3,5	7-ИРП 13-48	$0,51 \cdot 10^4$
	5,0	7-ИРП 13-48	$0,51 \cdot 10^4$

Пахта тозалаш машинасининг узатиш механизмига қўлланган тарангловчи роликли тасмали узатма таъсирида ишчи орган, яъни қозикчали барабан ҳаракати вақтида пахта хом ашёсини сеткали юзада судраганда, қозқчали барабан қозикчалари билан пахта орасида зарб-импульслари пайдо бўлади. Зарб-импульсларини пайдо бўлиши пахтани силташга олиб келади, бу эса ўз-ўзидан пахтани ифлосликлардан тозалаш самарадорлигини оширади.

Тажриба натижалари шуни кўрсатдики, пахта тозалаш машинасининг узатиш механизмига қўлланган таркибли тарангловчи роликли тасмали узатмани қўлланилиши ишлаб чиқариш шароитида тозалаш самарадорликни 6-8 %га оширди.

Ҳар қандай технологик жараёни оптималлаштиришда, шу жараёни чуқур ўрганиш ва таълуқли параметрларни тўғри танлашни тақозо этади.

Назарий ва тажрибавий изланишлар натижасида, таклиф этилаётган тасмали узатмани УХК пахта тозалаш машинасини узатиш механизмига қўлланди. УХК пахтат тозалаш машинасининг узатиш механизмига ўрнатилган янги ўзгарувчан узатиш нисбатли таркибли тарангловчи роликли тасмали узатмани қўллаш натижасида ўтказилган тажрибавий тадқиқотлар сонини камайтириш мақсадида тажрибаларни математик режалаштириш усулидан фойдаланилди [2].

Бунда пахтани тозалаш жараёнига таъсир қилувчи омиллар сифатида қуйидаги омиллар танланди: иш унумдорлиги; эластик элементнинг калинлигининг, яъни тарангловчи ролик диаметрининг ўзгариши; таркибли тарангловчи ролик таркибидаги эластик элементнинг (резина) эластиклигининг ўзгариши.

Тозалаш жараёнига таъсир қилувчи бу омилларни, яъни қирувчи омилларни кодлаштириб олинди.

Бунда: X_1 – иш унумдорлиги, кг/с;

X_2 - тарангловчи ролик диаметри, мм;

X_3 – эластик элементнинг (резина) эластиклиги, Н/мм.

Қирувчи омилларнинг кийматлари 2-жадвалда келтирилган.

2-жадвал

Қабул қилинган қирувчи омиллар

Омил номи	Кодлаштирилган белгиси	Омилнинг ҳақиқий киймати			Ўзгариш оралиғи
		-1	0	+1	
Иш унумдорлиги, кг/с	X_1	8000	10000	12000	2000
Қайишқок элементли тарангловчи ролик эксцентриситети, мм	X_2	2	3,5	5	1,5
Эластик элементнинг (резина) қайишқоклик коэффициенти, 10^4 Н/мм.	X_3	0,25	0,38	0,51	0,13

Тажриба ўтказиш учун резанинг уч хил эластикликда танлаб олинди. Эластикликнинг қўйи киймати сифатида $0,25 \cdot 10^4$ Н/мм, юқори киймати эса $0,51 \cdot 10^4$ Н/мм танланди. Бунда $(0,38-0,51) \cdot 10^4$ Н/мм да яхши самара бериши кузатилди.

Омил X_2 – қайишқок элементли тарангловчи ролик эксцентриситети. Қайишқок элементли тарангловчи ролик эксцентриситетининг қўйи киймати 2 мм, юқори киймати эса 5 олинди.

X_3 - эластик элементнинг (резина) эластиклиги олиб борилган илмий изланишларнинг асосларидан ҳисобланади. Ўтказилган тажрибавий тадқиқотлардан шу маълум бўлдики, эластик элемент қўллаш тозалаш самарадорлигига ижобий таъсир кўрсатиши аниқланди.

Шундай қилиб пахтани майда ифлосликлардан тозалаш жараёнига таъсир этувчи учта омил қабул қилинди.

Ҳисоблашлардан келиб чиқиб қуйидагича регрессия тенгламаси эга бўлди

$$Y = 61,4 - 0,916x_1 + 0,384x_2 + 3,67x_3 + 0,016x_1x_2 + 0,034x_1x_3 + 0,98x_2x_3 - 0,484x_1x_2x_3$$

Ҳисоблашларимиз кейинги босқичлари натижасида b_0 , b_1 , b_2 , b_3 , b_{23} ва b_{123}

коэффициентлар аҳамиятли деб топилди. Бунда регрессия тенгламаси куйидагича кўриниш олади


$$Y = 61,4 - 0,96x_1 + 0,384x_2 + 3,67x_3 + 0,98x_2x_3 - 0,484x_1x_2x_3$$

1-расмда иш унумдорлигини тозалаш самарадорлигига боғлиқлик графиги келтирилган. Графикдаги биринчи чизик x_2 ва x_3 ларнинг минимал қийматларидаги, иккинчи ва учинчи чизиклар эса оралиқ қийматлардаги, тўртинчи чизик эса максимал қийматдагисидир.

График тахлили шуни кўрсатдики иш унумдорлигининг 8000 кг/с дан 1200 кг/с гача ошишидан тозалаш самарадорлиги, яъни x_2 ва x_3 ларнинг минимал қийматлари $x_2=0,2 \cdot 10^{-4}$ м, $x_3=0,25 \cdot 10^4$ Н/м да 59,77% дан 56,88% гача, максимал $x_2=0,5 \cdot 10^{-4}$ м ва $x_3=0,51 \cdot 10^4$ Н/м да эса 67,88% дан 64,9% гача, оралиқ қийматларда эса, 61,18% дан 59,16% гача, 63,86% дан 61,83% гача камайиши кўринди.

2-расмда тозалаш самарадорлигини қайишқоқ элементли тарангловчи ролик экцентриситетига боғлиқлик графиги келтирилган.


Бунда қайишқоқ элементли тарангловчи ролик эксцентриситети $0,2 \cdot 10^{-4}$ м дан $0,5 \cdot 10^{-4}$ м гача ошганда тозалаш самарадорлиги x_1 ва x_3 ларнинг минимал қийматларида, яъни $x_1=8000$ кг/с ва $0,25 \cdot 10^4$ Н/м бўлганда, 59,77% дан 57,61% гача $x_1=9350$ кг/с ва $x_3=0,33 \cdot 10^4$ Н/м да 60,50% дан 60,51% гача, $x_1=10700$ кг/с $x_3=0,42 \cdot 10^4$ Н/м да 61,64% дан 62,95% гача, $x_1=1200$ кг/с ва $x_3=0,51 \cdot 10^4$ Н/м да 63,23% дан 64,99% гача ўзгариши кўринади.



1 – расм. Иш унумдорлигини тозалаш самарадорлигига боғлиқлик графиги


Бу ерда: 1- $X_2 = 0,2 \cdot 10^{-4}$ м, $X_3 = 0,25 \cdot 10^4$ Н / м; 2- $X_2 = 0,3 \cdot 10^{-4}$ м, $X_3 = 0,33 \cdot 10^4$ Н / м;

3- $X_2 = 0,4 \cdot 10^{-4}$ м, $X_3 = 0,42 \cdot 10^4$ Н / м; 4- $X_2 = 0,5 \cdot 10^{-4}$ м, $X_3 = 0,51 \cdot 10^4$ Н / м.



2-расм. Қайишқоқ элементли тарангловчи ролик эксцентриситети тозалаш самарадорлигига боғлиқлик графиги

Бу ерда: 1- $X_1 = 8000 \text{ кг/с}$, $X_3 = 0,25 \cdot 10^4 \text{ Н/м}$; 2- $X_1 = 9350 \text{ кг/с}$, $X_3 = 0,33 \cdot 10^4 \text{ Н/м}$;
3- $X_1 = 10700 \text{ кг/с}$, $X_3 = 0,42 \cdot 10^4 \text{ Н/м}$; 4- $X_1 = 12000 \text{ кг/с}$, $X_3 = 0,51 \cdot 10^4 \text{ Н/м}$.



3–расм. Таркибли тарангловчи ролик таркибидеги эластик элементнинг (резина) кайишқоқлик коэффициенти тозалаш самарадорлигига боғлиқлик графиги

Бу ерда: 1- $X_1 = 8000 \text{ кг/с}$, $X_2 = 0,2 \cdot 10^{-4} \text{ м}$; 2- $X_1 = 9350 \text{ кг/с}$, $X_3 = 0,3 \cdot 10^{-4} \text{ м}$;
3- $X_1 = 10700 \text{ кг/с}$, $X_3 = 0,4 \cdot 10^{-4} \text{ м}$; 4- $X_1 = 12000 \text{ кг/с}$, $X_3 = 0,5 \cdot 10^{-4} \text{ м}$.

3–расмда тозалаш самарадорлигини эластик элементнинг кайишқоқлик коэффициенти боғлиқлик графиги келтирилган.

Бунда кайишқоқлик коэффициенти $0,25 \cdot 10^4 \text{ Н/м}$ дан $0,51 \cdot 10^4 \text{ Н/м}$ гача ошганда тозалаш самарадорлиги $x_1 = 8000 \text{ кг/с}$ ва $x_2 = 0,2 \cdot 10^{-4} \text{ м}$ бўлганда 59,77% дан 64,18 % гача, $x_1 = 9350 \text{ кг/с}$ ва $x_2 = 0,3 \cdot 10^{-4} \text{ м}$ да 58,30% дан 64,99 % гача, $x_1 = 10700 \text{ кг/с}$ ва $x_2 = 0,4 \cdot 10^{-4} \text{ м}$ да 57,27% дан 65,15 % гача, $x_1 = 12000 \text{ кг/с}$ ва $x_2 = 0,5 \cdot 10^{-4} \text{ м}$ да 56,66% дан 64,99% гача ўзгариши аниқланди.

АДАБИЁТЛАР

1. Джураев А., Турдалиев В., Элмонов С. Анализ нагруженности ведомого шкива ременной передачи с переменным передаточным отношением. МНПК, «Влияние индустриально-инновационной политики на качество образования». 28-29 марта, Тараз-2012, с. 293-295.
2. Адлер Ю.П., Маркова Е.В., Грановский Ю.В. Планирование эксперимента при поиске оптимальных условий. Издательство «Наука» М. : 1976.

Биринчи усулда бирор электрон маълумотнинг ЭРИни таъминлашда электрон маълумотни жўнатувчининг махфий калитидан фойдаланиб, шу маълумотнинг махфий калит билан шифрланган ифодасидан фойдаланиш мумкин. Бунда ЭРИ имзоланадиган маълумот узинлиги билан бир хил бўлади. Шундай имзоланган маълумотни – электрон хужжатни яратиш учун имзоланадиган маълумот имзоловчининг махфий калити билан шифрланади. У ҳолда ахборот-коммуникация тармоғининг барча фойдаланувчиларлари бу имзонинг тўғрилигини имзо авторининг (эгасининг) очиқ калити билан шифрланган маълумотни дешифрлашни амалга ошириб ишонч ҳосил қилиши мумкин. Агар дешифрлаш натижаси имзоланган маълумот билан бир хил бўлса, электрон хужжат хақиқий, акси ҳолда хақиқий эмас деб ҳисобланади.

Иккинчи усулда рақамли имзо ҳисобланади ва имзоланадиган маълумот билан биргаликда очиқ ахборот-коммуникация тармоғи орқали тегишли абонентга жўнатилади. Рақамли имзони ҳисоблаш дастлабки маълумотни бирор рақамли блокка акслантириш натижаси (назорат йиғиндиси, хеш-функция) кийматига боғлиқ ҳолда, имзоловчининг махфий калити билан амалга оширилади. Бунда рақамли имзо узунлиги имзоланадиган маълумот узинлигига боғлиқ бўлмайди. Рақамли имзони маълумотнинг имзоловчининг махфий калити билан амалга оширилиши, биринчи усулдаги каби, ўз рақамли имзосини тўғри шакллантириш ваколати фақат имзо авторининг ўзига берилганлигини таъминлайди. Ўз навбатида, имзони текширишнинг алгоритми ахборот-коммуникация тармоғининг барча фойдаланувчиларига маълум бўлиб, уни текшириш имзо авторининг очиқ калити билан амалга оширилади.

Биринчи усул протокол схемасини кўриб ўтилади. Ахборот-коммуникация тармоғининг ҳар бир i –фойдаланувчиси ва j – фойдаланувчиси носимметрик шифрлаш алгоритми E (мисол учун: RSA, Эль-Гамал ва бошқалар) бўйича мос равишда ўзларининг (k_i^o, k_i^u) ва (k_j^o, k_j^u) калитлар жуфтликларига эга бўлсин.

Агар электрон хужжатнинг ташкил этувчиси M -маълумот махфий бўлмаса, у ҳолда

1) i –фойдаланувчи рақамли имзони P ушбу кўринишда амалга оширади:

$$M \parallel E_{k_i^u}(M) = M \parallel P = M',$$

бу ерда M' -рақамли имзоланган маълумот – электрон хужжат.

2) Электрон хужжат очиқ ахборот-коммуникация тармоғи орқали j –фойдаланувчига юборилади.

Маълумотни қабул қилиб олган j фойдаланувчи қуйидагиларни амалга оширади:

1) Имзоланган M' -маълумотдан рақамли имзо $P = E_{k_i^u}(M)$ ажратилади.

2) Имзо авторининг очиқ калити k_i^o рақамли имзо дешифрланади:

$$D_{k_i^o}(P) = D_{k_i^o}(E_{k_i^u}(M)) = M.$$

3) Агар рақамли имзони дешифрлаш натижасида олинган маълумот имзоланган маълумот билан бир хил бўлса, у ҳолда электрон хужжат хақиқий акси ҳолда хақиқий эмас ҳисобланади.

Имзоланадиган маълумот махфий бўлганда:

1) i –фойдаланувчи рақамли имзони P ушбу кўринишда шакллантиради:

$$E_{k_i^o}[M \parallel E_{k_i^u}(M)] = E_{k_i^o}[M \parallel P] = M',$$

бу ерда M' -имзоланган маълумот – электрон хужжат.

2) Электрон хужжат ахборот-коммуникация тармоғининг очиқ канали орқали j фойдаланувчига юборилади.

Имзоланган махфий маълумотни қабул қилиб олган j – фойдаланувчи қуйидагиларни амалга оширади:

1) Ўзининг махфий калити k_j^* билан ушбу дешифрлашни амалга оширади:

$$D_{k_j^*}(M') = D_{k_j^*}(E_{k_j^*}[M \parallel E_{k_j^*}(M)]) = M \parallel E_{k_j^*}(M) = M'.$$

2) Дешифрлаш натижасида олинган M' – маълумотдан рақамли имзо ажратилади $P = E_{k_j^*}(M)$.

3) Рақамли имзо авторининг очик калити k_i^o билан дешифрлашни амалга оширади:

$$D_{k_i^o}(P) = D_{k_i^o}(E_{k_i^*}(M)) = M.$$

4) Агар рақамли имзони дешифрлаш натижасида олинган маълумот имзоланган маълумот билан бир хил бўлса, у ҳолда электрон ҳужжат хақиқий акси ҳолда хақиқий эмас ҳисобланади.

Иккинчи усул протокол схемасини кўриб ўтилади. Бунда рақамли имзо ҳисобланади, яъни дастлабки имзоланадиган маълумотни бирор рақамли блокка акслантириш натижаси (назорат йиғиндиси $H\ddot{Y}$, хеш-функция $H(M) = h$) қийматига боғлиқ ҳолда, имзоловчининг махфий калити билан амалга оширилади. ЭРИ шакллантириш, рақамли имзоланган маълумотни узатиш, қабул қилиш ва уни текшириш схемаси протоколини кўриб ўтилади.

Агар электрон ҳужжатнинг ташиқил этувчиси M – маълумот махфий бўлмаса, у ҳолда:

1) i – фойдаланувчи рақамли имзони P ушбу кўринишда амалга оширади:

$$M \parallel E_{k_i^*}(H\ddot{Y}) = M \parallel P = M',$$

бу ерда M' – рақамли имзоланган маълумот – электрон ҳужжат.

2) Электрон ҳужжат очик ахборот-коммуникация тармоғи орқали j – фойдаланувчига юборилади.

Маълумотни қабул қилиб олган j – фойдаланувчи қуйидагиларни амалга оширади:

1) Имзоланган M' – маълумотдан рақамли имзо $P = E_{k_j^*}(H\ddot{Y})$ ажратилади. 2) Имзо авторининг очик калити k_i^o билан рақамли имзо дешифрланади:

$$D_{k_i^o}(P) = D_{k_i^o}(E_{k_j^*}(H\ddot{Y})) = M.$$

3) Агар рақамли имзони дешифрлаш натижасида олинган маълумот имзоланган маълумот билан бир хил бўлса, у ҳолда электрон ҳужжат хақиқий акси ҳолда хақиқий эмас ҳисобланади.

Рақамли имзоланадиган маълумот махфий бўлганда:

1) i – фойдаланувчи рақамли имзони P қуйидагича шакллантиради:

$$E_{k_j^*}[M \parallel E_{k_i^*}(H\ddot{Y})] = E_{k_j^*}[M \parallel P] = M',$$

бу ерда M' – имзоланган маълумот – электрон ҳужжат.

2) Электрон ҳужжат ахборот-коммуникация тармоғининг очик канали орқали j – фойдаланувчига юборилади. Имзоланган махфий маълумотни қабул қилиб олган j – фойдаланувчи қуйидагиларни амалга оширади: 1) Ўзининг махфий калити k_j^* билан ушбу дешифрлашни амалга оширади:

$$D_{k_j^*}(M') = D_{k_j^*}(E_{k_j^*}[M \parallel E_{k_i^*}(H\ddot{Y})]) = M \parallel E_{k_i^*}(H\ddot{Y}) = M'.$$

2) Дешифрлаш натижасида олинган M' – маълумотдан рақамли имзо ажратилади $P = E_{k_i^*}(H\ddot{Y})$. 3) Рақамли имзо авторининг очик калити k_i^o билан дешифрлашни амалга оширади:

$$D_{k_i^o}(P) = D_{k_i^o}(E_{k_i^*}(H\ddot{Y})) = H\ddot{Y}.$$

4) Агар рақамли имзони дешифрлаш натижасида олинган маълумотнинг $НЙ$ рақамли имзони дешифрлаш натижасида олинган $НЙ$ билан бир хил бўлса, у ҳолда электрон ҳужжат ҳақиқий акси ҳолда ҳақиқий эмас ҳисобланади.

Очик калитли шифрлаш алгоритми асосида шакллантириладиган ЭРИ камчилиги шундан иборатки, берилган M -маълумотга мос келувчи фақат битта рақамли имзо қўйиш имконияти бор. Чунки берилган M -маълумотга мос келувчи назорат йиғиндиси $НЙ(M)=НЙ$ ёки хеш-функция $H(M)=H$ киймати хисоблаш калитсиз алгоритмга асосланганлиги учун ҳар доим бир хил кийматга эга бўлинади ҳамда шифрлаш ва дешифрлаш натижасида ҳам ҳар доим бир хил ифодага эга бўлинади. Бундай ҳолат шундай ЭРИ алгоритмларидан фойдаланишни ноқулайликларини келтириб чиқаради.

Махсус ишлаб чиқилган (яратилган) ЭРИни хисоблашни шакллантириш ва уни текшириш алгоритмлари юқорида келтирилган камчиликлардан ҳолидир. Чунки, бу алгоритмларда ЭРИни шакллантиришда имзоланадиган маълумотнинг хеш-функция киймати, имзоловчининг махфий калитидан ташқари имзоловчи томонидан ихтиёрий танланадиган параметрдан ҳам фойдаланилади.

Қуйида матрицаларни параметрли қўлайтириш ва чекли майдонда дискрет логарифмлаш масаласи ечими мураккаблиги асосида яратилган [4] носимметрик шифрлаш алгоритмини берилган ХФ билан биргаликда, имзоловчи томонидан ихтиёрий танланадиган параметрдан фойдаланиб электрон рақамли имзони амалга ошириш имконини бериб, маълумотнинг бутунлигини текшириш ва унинг аутентификациясини таъминлаш масалаларининг ечимларига қўллашнинг амалий тадбиқ усуллари ҳамда протоколлари ишлаб чиқилади.

$R_{ii}^t = g^{x_{ii}^t} \bmod p$ хисобланиб $R_{m \times n}^t$ -матрицанинг элементлари аниқланади, бу ерда x_{ii}^t - номаълумлар (байтлардан иборат бўлиши мумкин), $i=1, \dots, m$; $l=1, \dots, n$. Сўнгра $(p, g, A_{m \times n}^t, R_{m \times n}^t)$ -тўртликни очик калит, x_{ii}^t - номаълумларни эса t -фойдаланувчининг махфий калити элементлари деб эълон қилинади.

Криптотизимнинг j - фойдаланувчиси t - фойдаланувчига $M_{n \times m}$ - очик маълумотни ва унинг хеш-кийматига боғлиқ бўлган рақамли имзо билан шифрлаб жўнатишни қуйдагича амалга оширади: 1. $M = M_{n \times m}$ - очик маълумотни танланган хеш-функция алгоритми бўйича унинг хеш киймати $H(M) = H(M_{n \times m}) = H_{n \times m} = H$ хисобланади.

2. Бу хеш-киймат бўйича P -рақамли имзо j - фойдаланувчининг x_{ii}^j -ёпиқ калити ва унинг томонидан танлаб олинган k_1 сон билан шакллантирилади:

а) $R^{jk_1} = R_{m \times n}^{jk_1} = g^{x_{ii}^j - k_1} \bmod p$ матрица элементлари ҳисоблаб олинади;

б) Шифрлашни $A_{n \times m}^j \otimes H = A_{n \times m}^j + H_{n \times m} + A_{n \times m}^j R_{m \times n}^{jk_1} H_{n \times m} \pmod{p} = P_{n \times m} = P$ кўринишда амалга оширилиб рақамли имзо шакллантирилади.

3. Имзоланадиган маълумот M ва унинг рақамли имзоси P бирлаштирилиб $M || P = M'$ - кенгайтирилган электрон ҳужжат олинади.

4. Фақат j - фойдаланувчининг ўзигагина маълум бўлган бирор k - сонини тасодикий ҳолда танлаб, t -фойдаланувчининг $R_{m \times n}^t$ -очик калити бўйича $R = R_{m \times n}^k = (R_{ii}^t)^k \bmod p = g^{kx_{ii}^t} \bmod p$ -матрица элементлари ҳисоблаб олинади.

5. Шифрлашни $A_{n \times m}^t \otimes M' = A_{n \times m}^t + M'_{n \times m} + A_{n \times m}^t R_{m \times n}^k M'_{n \times m} \pmod{p} = w_{n \times m}$ кўринишда амалга ошириб, шифрмаълумот сифатида $C_{n \times m} = (w_{n \times m}; d_t = g^k \bmod p; d_p = g^{k_1} \bmod p)$ - учлик жўнатилади.

Шифр маълумот $C_{n \times m} = (w_{n \times m}; d_t; d_p)$ ни қабул қилиб олган t - фойдаланувчи дешифрлашни қуйдагича амалга оширади: 1. Фақат t - фойдаланувчининг ўзига маълум

бўлган x_{il}^t - махфий калитдан фойдаланиб $d_i^{x_{il}^t} \bmod p = g^{k_{il}^t} \bmod p = D_{il}^{tk}$ - кийматлар хисобланиб, $D_{m \times n}$ - матрица ҳосил қилинади. 2. Очик $A_{n \times m}^t$ - калитга параметрли тескари бўлган матрица $(A_{n \times m}^t)^{-1} = (I_{n \times n} + A_{n \times m}^t D_{m \times n}^{tk})^{-1} (-A_{n \times m}^t) \bmod p$ хисобланади. 3. Ушбу $R = D_{n \times m}^{tk}$ кийматни алмаштириш амалини бажариб, дешифрлаш амалга оширилади:

$$\begin{aligned} (A_{n \times m}^t)^{-1} \otimes w_{n \times m} &= (I_{n \times n} + A_{n \times m}^t D_{m \times n}^{tk})^{-1} (-A_{n \times m}^t) \otimes (A_{n \times m}^t + M_{n \times m}^t + A_{n \times m}^t R_{m \times n}^{tk} M_{n \times m}^t) \bmod p \\ &= (I_{n \times n} + A_{n \times m}^t R_{m \times n}^{tk})^{-1} (-A_{n \times m}^t) + (A_{n \times m}^t + M_{n \times m}^t + A_{n \times m}^t R_{m \times n}^{tk} M_{n \times m}^t) + \\ &= (I_{n \times n} + A_{n \times m}^t R_{m \times n}^{tk})^{-1} (-A_{n \times m}^t) R_{m \times n}^{tk} (A_{n \times m}^t + M_{n \times m}^t + A_{n \times m}^t R_{m \times n}^{tk} M_{n \times m}^t) \bmod p = \\ &= (I_{n \times n} + A_{n \times m}^t R_{m \times n}^{tk})^{-1} (-A_{n \times m}^t) (I_{m \times m} + R_{m \times n}^{tk} A_{n \times m}^t) + A_{n \times m}^t + (I_{n \times n} + A_{n \times m}^t R_{m \times n}^{tk}) M_{n \times m}^t + \\ &+ (I_{n \times n} + A_{n \times m}^t R_{m \times n}^{tk})^{-1} (-A_{n \times m}^t) R_{m \times n}^{tk} (I_{n \times n} + A_{n \times m}^t R_{m \times n}^{tk}) M_{n \times m}^t \bmod p \end{aligned}$$

Бу охириги тенглик ифодасидаги матрицаларнинг фақат диагональ элементларининг ҳаммаси ноль бўлмай, бошқа барча элементлари ноллардан иборат бўлса (бундай матрицалар коммутативлик хоссасига эга), у ҳолда матрицалар кўпайтмалари қатнашган ҳадларда улар ўринларини алмаштирилса ҳам тенглик ўзгармайди. Ана шундай матрицалар учун ушбу тенглик ўринли:

$$\begin{aligned} (A_{n \times m}^t)^{-1} \otimes w_{n \times m} &= (I_{n \times n} + A_{n \times m}^t R_{m \times n}^{tk})^{-1} (-A_{n \times m}^t) (I_{m \times m} + R_{m \times n}^{tk} A_{n \times m}^t) + A_{n \times m}^t + \\ &+ (I_{n \times n} + A_{n \times m}^t R_{m \times n}^{tk}) M_{n \times m}^t + (I_{n \times n} + A_{n \times m}^t R_{m \times n}^{tk})^{-1} (-A_{n \times m}^t) R_{m \times n}^{tk} (I_{n \times n} + A_{n \times m}^t R_{m \times n}^{tk}) M_{n \times m}^t \\ \bmod p &= (-A_{n \times m}^t) (I_{n \times n} + A_{n \times m}^t R_{m \times n}^{tk})^{-1} (I_{m \times m} + R_{m \times n}^{tk} A_{n \times m}^t) + A_{n \times m}^t + \\ &+ (I_{n \times n} + A_{n \times m}^t R_{m \times n}^{tk}) M_{n \times m}^t + (-A_{n \times m}^t) R_{m \times n}^{tk} (I_{n \times n} + A_{n \times m}^t R_{m \times n}^{tk})^{-1} (I_{n \times n} + A_{n \times m}^t R_{m \times n}^{tk}) M_{n \times m}^t \bmod p \\ &= -A_{n \times m}^t + A_{n \times m}^t + M_{n \times m}^t + A_{n \times m}^t R_{m \times n}^{tk} M_{n \times m}^t - A_{n \times m}^t R_{m \times n}^{tk} M_{n \times m}^t \bmod p = M_{n \times m}^t. \end{aligned}$$

Умуман олганда бу тенглик ифодаларида қатнашувчи матрицалар коммутативлик хоссасига эга бўладиган қилиб танлаб олинса, юқорида келтирилган дешифрлаш жараёнини қулай амалга ошириш мумкин. Бу ерда

$$M_{n \times m}^t = M_{n \times m} \parallel P_{n \times m} \text{ ва } P_{n \times m} = A_{n \times m}^j + H_{n \times m} + A_{n \times m}^j R_{m \times n}^{jk_1} H_{n \times m} \bmod p = A_{n \times m}^j \otimes H = P$$

эканлигини ҳисобга олиб электрон рақамли имзонинг тўғрилигини аниқлаш жараёни қуйидагича давом этади:

4. j - фойдаланувчининг $R_{m \times n}^j$ - очик калитига $d_p = g^{k_1} \bmod p$ кўпайтирилиб

$$R_{il}^{jk_1} = g^{x_{il}^{j+1} k_1} \bmod p = D_{il}^{jk_1} \text{ хисобланади, } D_{n \times m}^{jk_1} \text{ - матрица ҳосил қилинади.}$$

5. Очик $A_{n \times m}^j$ - калитга параметрли тескари бўлган матрица $(A_{n \times m}^j)^{-1} = (I_{n \times n} + A_{n \times m}^j D_{m \times n}^{jk_1})^{-1} (-A_{n \times m}^j) \bmod p$ хисобланади.

6. Ушбу $R = D_{n \times m}^{jk_1}$ кийматни алмаштириш амалини бажариб, дешифрлаш амалга оширилади:

$$\begin{aligned} (A_{n \times m}^j)^{-1} \otimes w_{n \times m} &= (I_{n \times n} + A_{n \times m}^j D_{m \times n}^{jk_1})^{-1} (-A_{n \times m}^j) \otimes (A_{n \times m}^j + H_{n \times m} + A_{n \times m}^j R_{m \times n}^{jk_1} H_{n \times m}) \bmod p = \\ &= (I_{n \times n} + A_{n \times m}^j R_{m \times n}^{jk_1})^{-1} (-A_{n \times m}^j) + (A_{n \times m}^j + H_{n \times m} + A_{n \times m}^j R_{m \times n}^{jk_1} H_{n \times m}) + \\ &+ (I_{n \times n} + A_{n \times m}^j R_{m \times n}^{jk_1})^{-1} (-A_{n \times m}^j) R_{m \times n}^{jk_1} (A_{n \times m}^j + H_{n \times m} + A_{n \times m}^j R_{m \times n}^{jk_1} H_{n \times m}) \bmod p = \\ &= (I_{n \times n} + A_{n \times m}^j R_{m \times n}^{jk_1})^{-1} (-A_{n \times m}^j) (I_{m \times m} + R_{m \times n}^{jk_1} A_{n \times m}^j) + A_{n \times m}^j + (I_{n \times n} + A_{n \times m}^j R_{m \times n}^{jk_1}) H_{n \times m} + \\ &+ (I_{n \times n} + A_{n \times m}^j R_{m \times n}^{jk_1})^{-1} (-A_{n \times m}^j) R_{m \times n}^{jk_1} (I_{n \times n} + A_{n \times m}^j R_{m \times n}^{jk_1}) H_{n \times m} \bmod p \end{aligned}$$

Бу охириги тенглик ифодасидаги матрицаларнинг фақат диагональ элементларининг ҳаммаси ноль бўлмай, бошқа барча элементлари ноллардан иборат эканлигини (бундай матрицалар коммутативлик хоссасига эгаллигини) ҳисобга олиб,

матрицалар кўпайтмалари катнашган ҳадларда улар ўринларини алмаштирилса ҳам тенглик ўзгармаслигидан фойдаланиб, ушбу тенгликка эга бўлинади:

$$\begin{aligned} (A_{n \times m}^j)^{-1} \otimes w_{n/m} &= (I_{n \times n} + A_{n \times m}^j R_{m/n}^{jk_1})^{-1} (-A_{n \times m}^j) (I_{m \times m} + R_{m/n}^{jk_1} A_{n \times m}^j) + A_{n \times m}^j + \\ &+ (I_{n \times n} + A_{n \times m}^j R_{m/n}^{jk_1}) H_{n \times m} + (I_{n \times n} + A_{n \times m}^j R_{m/n}^{jk_1})^{-1} (-A_{n \times m}^j) R_{m/n}^{jk_1} (I_{n \times n} + A_{n \times m}^j R_{m/n}^{jk_1}) H_{n \times m} \\ (\text{mod } p) &= (-A_{n \times m}^j) (I_{n \times n} + A_{n \times m}^j R_{m/n}^{jk_1})^{-1} (I_{m \times m} + R_{m/n}^{jk_1} A_{n \times m}^j) + A_{n \times m}^j + \\ &+ (I_{n \times n} + A_{n \times m}^j R_{m/n}^{jk_1}) H_{n \times m} + (-A_{n \times m}^j) R_{m/n}^{jk_1} (I_{n \times n} + A_{n \times m}^j R_{m/n}^{jk_1})^{-1} (I_{n \times n} + A_{n \times m}^j R_{m/n}^{jk_1}) H_{n \times m} (\text{mod } p) \\ &= -A_{n \times m}^j + A_{n \times m}^j + H_{n \times m} + A_{n \times m}^j R_{m/n}^{jk_1} H_{n \times m} H_{n \times m} + A_{n \times m}^j R_{m/n}^{jk_1} H_{n \times m} - A_{n \times m}^j R_{m/n}^{jk_1} H_{n \times m} (\text{mod } p) = \\ &= H_{n \times m}. \end{aligned}$$

7. t -фойдаланувчининг $C_{n \times m}$ - шифрланган маълумотни дешифрлаши натижасида ҳосил бўлган $M_1' = M_1 || P_1$ кенгайтирилган ҳужжатнинг M_1 қисми хешланади: $H(M_1) = H(M_{1 \times n \times m}) = H_1$

8. $H_1 - H(M_{1 \times n \times m}) = H_{n \times m} = H$ бўлса, электрон ҳужжат бутун (хақиқий) ҳисобланади ҳамда унинг электрон рақамли имзоси ҳақиқийлигидан манбаасининг ҳам ҳақиқийлиги келиб чиқади.

Таклиф этилган ЭРИ алгоритмида имзоловчининг махфий калитидан ташқари имзоловчи томонидан ихтиёрий танланадиган параметрдан ҳам фойдаланилди. Шунинг учун бу ЭРИ алгоритми махсус ишлаб чиқилган (яратилган) рақамли имзони ҳисоблашни шакллантиришга ва уни текширишга асосланган ЭРИ алгоритмлари каби хоссаларга эга.

АДАБИЁТЛАР

1. Алферов А. П., Зубов А. Ю., Кузьмин А. С., Черемушкин А. В. Основы криптографии: Учебное пособие, 2-е изд. – М.: Гелиос АРВ, 2002. – 480 с. 2. Шнайер Б. Прикладная криптография. Протоколы, алгоритмы, исходные тексты на языке Си. – М.: издательство ТРИУМФ, 2003 - 816 с. 3. Акбаров Д.Е. Ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг криптографик усуллари ва уларнинг қўлланилиши – Тошкент. “Ўзбекистон маркаси”, 2009 – 434 бет. 4. Хасанов П.Ф., Акбаров Д. Е., Ахмадалиев Ш. Ш. Параметрли алгебра амалларидан фойдаланиб мавжуд ҳисоблаш мураккабликлари асосида янги асимметрик алгоритмлар яратиш усуллари. //Инфокоммуникации: Сети-Технологии-Решения. -1(9)/2009. -с. 31-35.

Қўкон давлат педагогика институти

қабул қилинди: 06.05.2012 й.

УДК 681.3

КРИПТОГРАФИК АЛГОРИТМЛАРНИНГ БАРДОШЛИГИ ДАРАЖАСИ БЎЙИЧА ТУРКУМЛАШ

Мухтаров Ф. М., Акбаров Д.Е., Сиддиқов А. А.

Мақолада криптоалгоритмлар асосидаги акслантиришларнинг криптобардошлилик хусусиятларига кўра уларни туркумлаш масалари таҳлил қилинди. Таҳлил натижасида олинган криптографик алгоритмларнинг бардошлиги даражаси бўйича туркумлаш жадвали уларни бардошлигини баҳолаш усуллари ишлаб чиқишга тизимли ёндашувнинг асосини белгилайди.

В статье анализированы вопросы классификации криптоалгоритмов по степени стойкости на основе особенности преобразований, заложенных на их оснований. В результате анализа получена таблица классификации криптоалгоритмов по степени стойкости, которая позволяет и определяет основу направления системного подхода к методам оценки криптостойкости алгоритмов.

The article tells about analysis the questions of cryptoalgorithms qualification of stability (steadiness) degree on the base of specifics of transformation, put on their base. As the result obtained a table of cryptoalgorithms qualification on the base of stability degree, which determine the base of stability degree, which determine the base of systematic approach of marking methods of cryptostability of algorithms.

Ахборотларнинг муҳофазасини таъминлаш масалалари инсоният жамиятида қадимдан муҳим бўлиб келган. Айтиш мумкинки, ахборотни муҳофаза қилиш услублари жамиятда дастлабки пайдо бўлган муомала тили ва ёзуви билан узвий боғлиқ ҳамда тенгдошдир.

Турли ёзув алифболарининг вужудга келиши ва ривожланиши натижасида ахборотларни асли ҳолидан ўзгартирилган ҳолда, яъни шифрланган ҳолда сақлаш ва узатиш масалалари ечимлари билан шуғулланувчи фан элементлари

– ҳозирда *криптология* деб аталувчи фан йўналишлари – *криптография* ва *криптоанализ* мустақил ривожлана боради.

Криптография йўналиши очик маълумотларни шифрлашнинг ишончли ҳамда самарали усуллари ва алгоритмларини яратиш билан шуғулланади. Аксинча, *криптоанализ* йўналиши эса шифрлашнинг усул ва алгоритмларини қандай даражада ишончли ҳамда самарали эканлигини баҳолаш масалалари ечимларини тадқиқ қилиш билан, қалит номаълум бўлганда, кўп ҳолларда шифрлаш алгоритми ҳам номаълум бўлган ҳолда шифрланган маълумотни асл ҳолатини (мос келувчи очик маълумотни) топиш масалаларини ечиш билан шуғулланади.

Дастлаб ахборот алмашинуви муҳофазасини амалга оширишда унинг махфийлигини таъминлаш билан, яъни шифрлаш билан қиёяланилган. Чунки алоқа тармоғи вазифасини чопарлар ўтаган. Уларга бўлган ишонч, ахборотни ўзгаришсиз ўз эгасига етказилишини ва ким томонидан юборилганлигини аниқ бўлишини қафолатлаган. Ахборот алмашинувининг техника ва технологияларининг ривожланиши ахборот-коммуникация тармоқларини вужудга келтирди. Бундай тармоқда ахборот алмашинуви муҳофазасини амалга оширишда унинг махфийлигини таъминлашдан ташқари, ўзгартирилмаганлигини (бутунлигини) текшириш ва ахборот юборилган томонни аниқлаш масалалари ечимининг ҳам таъминланишини талаб этади.

Ҳозирги замонавий техника ва технологиялар билан жиҳозланган ахборот-коммуникация тармоқларида ахборотнинг криптографик муҳофазасини таъминлашнинг асосий масалалари қуйидагилардан иборат [1-3, 5]: ахборотнинг махфийлигини (конфиденциаллигини) таъминлаш; ахборотнинг бутунлигини (ўзгармаганлигини) текширишни таъминлаш; ахборотнинг аутентификациясини (маълумот субъектларини ҳақиқийлигини) аниқлашни таъминлаш; ахборотнинг муаллифини аниқлаш ва унинг муаллифликдан бош тортмаслигини таъминлаш; криптографик алгоритмлар учун криптобардошли қалитлар ишлаб чиқариш ва уларни тармоқ фойдаланувчиларига муҳофазаланган ҳолда тарқатилишини бошқариш.

Ахборот муҳофазасининг санаб ўтилган масалаларини криптографик усуллар билан ечиш воситаси шифрлаш ва акслантиришлардан иборат алгоритмлардир. Жумладан ахборот-коммуникация тармоқларида электрон ахборотнинг криптографик муҳофазасини амалга оширишда унинг махфийлигини таъминлаш учун шифрлаш/дешифрлаш алгоритмлари (ША) қўлланилади. Шунингдек, бутунлигини текширишда хэш-функциядан (ХФ) ва аутентификациясини аниқлашни амалга оширишда электрон рақамли имзо (ЭРИ) алгоритмларидан фойдаланилади. Криптографик алгоритмлар учун криптобардошли қалитлар ишлаб чиқаришда биртомонламалик хусусиятига эга бўлган псевдотасодиқий кетма-кетлик генераторларидан ва бошқа биртомонламалик хусусиятли акслантиришлардан ҳамда тасодиқийлик даражасини баҳолаш имкониятини берувчи критерийларга таянилади.

Тармок фойдаланувчиларига *калитларни муҳофазаланган ҳолда тарқатиш ва бошиқариш протоколлари* қўлланилади.

Криптографик воситалар алгоритмларини уларни ишлаб чиқарувчининг билиши, фойдаланувчиларнинг эса билмаслиги ёки моҳиятига чуқур ва тўла тушуниб етмаслиги ахборот муҳофазасини таъминлашнинг мантиғига тўғри келмайди. Шунинг учун ҳозирда бундан икки аср муқаддам Кирхгоф томонидан таъкидланган тамойилга амал қилинади: ахборот муҳофазасини таъминлашнинг криптографик воситалари алгоритмлари барча фойдаланувчиларга маълум бўлиб, унинг криптобардошлиги фақат алгоритмда ишлатиладиган калитнинг махфий сақланишини ўзига боғлиқ бўлиши лозим [1-3]. Бундан ташқари, илм-фан, ҳисоблаш техника ҳамда технологиялари ютуқларининг ривожланиб бориши амалда фойдаланиб келинаётган криптографик алгоритмларнинг криптобардошлилик даражаси ва хусусиятлари асосларини доимий равишда таҳлил қилиб боришни, криптографик алгоритмлар ва протоколларнинг бардошлигини баҳолашнинг такомиллашган усулларини ишлаб чиқишни тақозо этади.

Ушбу мақола криптоалгоритмларнинг асосидаги акслантиришларнинг хусусиятларига кўра, туркумлаш ва криптобардошлилик даражасини илмий тасдиқловчи фактлар қанчалик ишончли эканлигини аниқлаш масалаларининг таҳлили ҳақида. Бу эса криптографик алгоритмлар ва протоколларнинг бардошлигини баҳолаш усулларини ишлаб чиқишга тизимли ёндошувнинг асосини яратишга имкон беради.

Криптоалгоритмлар улар асосидаги акслантиришларнинг хусусиятини криптобардошлик даражасининг ишончилигига кўра: *мутлақо бардошли, ишончли бардошли* ва *бардошли* турларга ажратилади.

Мутлақо бардошли криптоалгоритмлар улар асосидаги акслантиришларнинг хусусиятига кўра шифрлаш ёки акслантириш алгоритми калитини топиш мумкин эмаслиги исботланган теоремаларга асосланган бўлади. Мутлақо бардошли криптоалгоритмлар туркумига: аниқмасликнинг квант механикаси тамойилларига асосланган-*квант криптографияси*; криптобардошлиги кўп алфавитлилик мураккаблигига асосланган “*бир марталик блокнот*” усули билан шифрлаш алгоритми; калит узунлиги шифрланиши керак бўлган маълумот узунлиги билан тенг ҳамда бир марта ишлатиладиган *Вернам* шифрлаш алгоритми тизимлари мисол бўла олади.

Ишончли бардошли криптоалгоритмлар мутахассислар томонидан ечилиши мураккаб деб тан олинган математик масалага асосланади. Ишончли бардошли криптоалгоритмлар туркумига криптобардошлиги қуйидаги: етарли катта сонни туб кўпайтувчига ажратиш (ТКА) мураккаблигига асосланган RSA шифрлаш алгоритми; характеристикаси етарли катта бўлган чекли майдонда дискрет логарифмлаш (ДЛ) мураккаблигига асосланган Эль-Гамал шифрлаш алгоритми; эллиптик эгри чизик (ЭЭЧ) нукталари устида амал бажариш мураккаблигига асосланган шифрлаш алгоритмлари [3-5]; параметрли алгебра амаллари асосида санаб ўтилган мавжуд мураккабликларни комбинациялашга асосланган ADE-AShSh1, ADE-AShSh2, ADE-AShSh3 шифрлаш алгоритмлари [4] киради.

Ишончли бардошли криптоалгоритмлар туркумига шифрлаш алгоритмларидан ташқари криптобардошлиги қуйидаги мураккабликларга таянадиган ЭРИ алгоритмлари ҳам киради: ДЛ мураккаблигига асосланган . DSA, ГОСТ 34.10-94, Ўзбекистон Республикаси стандарти – O’zDSt 1092:2005 каби; ЭЭЧ нукталари устида амал бажариш мураккаблигига асосланган ГОСТ Р 34.10-2001, ECDSA -2000, Украина ЭРИ стандарти – ДСТУ 4145-2002, Корея ЭРИ стандарти – EC-KCDSA; ДЛ ва ТКА ҳамда ЭЭЧ нукталари устида амал бажариш каби — мавжуд мураккабликлар композициясига асосланган . ADE1– ERI алгоритми [6]; мавжуд мураккабликларни параметрли алгебра амаллари билан композициялаш билан такомиллаштирилган ЭРИ алгоритмлари ADE2–ERI [7], ADE3– ERI [8]; мавжуд мураккабликлар ва хеш-функция алгоритми акслантиришларининг биртомонламалик хусусиятига асосланган ADE4–ERI[9]

алгоритми; мавжуд мураккабликлар ва шифрлаш алгоритмининг биртомонламалик хусусияти мураккаблигига асосланган ADE5-ERI [10] алгоритми; матрицалар устида параметрли алгебра амалларини бажаришни мавжуд мураккабликлар билан композициялашга асосланган ADE-AShSh1-ERI, ADE-AShSh2-ERI, ADE-AShSh3-ERI [4]. алгоритмлар ҳам ишончли бардошли криптоалгоритмлар туркумига киради.


Бардошли алгоритмлар чуқур таҳлил қилиниб, ўрганилган масалаларга келтириб бўлмайдиган математик масаланинг ечилиши мураккаблигига асосланган. Бардошли криптоалгоритмлар туркумига: криптобардошлиги калит узунлиги ва акслантиришлари биртомонламалик хусусиятли (калит маълум бўлганда ҳам) Фестел тармоқли DES, ГОСТ-28147-89, IDEA, FEAL, ADE-MshA [3, 11], ADE-TmshA [3, 11] каби симметрик блоклаб шифрлаш алгоритмлари; криптобардошлиги калит узунлиги ва калит номаълум бўлганда акслантиришлари биртомонламалик хусусиятли Фестел тармоғига асосланмаган AES-FIPS 197, O'z DSt 1105:2006, ADE-AES-Tur [3, 12] каби симметрик блоклаб шифрлаш алгоритмлари; криптобардошлиги калит узунлиги ва акслантиришлари биртомонламалик хусусиятли. RC4, SEAL, ISAAC, байтлар ўрнини боғлиқсиз алмаштиришли ва СЖли ADE-MAI-SB-SG [3], матрицали кенгайтириш ва СЖли ADE-MAI-MK-SG [3, 13], мантикий функцияли ва СЖли ADE-MAI-MF-SG [3], ПТКК генераторларини комбинациялашга асосланган MAI-PTKK-GK [14] узлуксиз шифрлаш алгоритмлари; криптобардошлиги акслантиришлари биртомонламалик хусусиятли (калитли бўлганда унинг узунлигига ҳам боғлиқ бўлган) ГОСТ 34.11-94 – бир томонлик хусусияти МША негизда бўлган, SHA – негизда мантикий амаллар ётган, O'z DSt 1106:2006 – параметрли алгебра амалларининг бажарилиши билан боғлиқ бўлган, ADE XF– сикиш жадвали, мантикий функциялар ва XOR амалларига асосланган хэш-функция [3] алгоритмлари киради.

Мутлақо бардошли криптиотизимларни ишончилигини юкори бўлиши билан бир қаторда амалдаги татбикида ноқулайликлар ҳам мавжуд. Хусусан, шифрлаш калитининг бир марта қўлланилиши ҳамда катта ҳажмга эга бўлишлик хоссасига кўра унинг муҳофазасини кафолатли таъминланган ҳолда сақлашни амалга оширишдир. Квант криптографияси тизими эса қиммат сарф-харажатлар билан боғлиқ оптик толали алоқа каналининг бўлишини талаб этади ҳамда унинг ишончилигини исботи физика фани ютуқларига таянган ҳолда қиммат тажриба-синовлар билан кўрсатилади.

Ишончли бардошли криптоалгоритмларнинг ютуғи улар асосидаги ечилиши мураккаб деб тан олинган математик масаланинг чуқур ўрганилганида. Криптобардошликни ошириш зарурияти туғилганда унинг алгоритми параметрларини тезкор ўзгартиришни амалга оширишнинг имкониятини чегараланганлиги бундай алгоритмларнинг камчилиги ҳисобланади. Айниқса, бундай алгоритмларга асослан криптографик аппарат қурилмаларга асосланган ахборот-коммуникация тармоқларида бундай ўзгартиришларни тезкор амалга ошириш ҳар доим ҳам қулай бўлавермайди.

Бардошли криптоалгоритмлар асосидаги акслантиришларнинг ечилиши мураккаб бўлган математик масалалар билан боғлиқлик хусиятлари чуқур таҳлил қилинмаган бўлсада, бу акслантиришлар криптобардошлилик самарадорлигини тезкор амалга оширишнинг имкониятлари қулайдир.

Юкоридаги таҳлиллар асосида криптографик алгоритмларнинг бардошлиги даражаси бўйича туркумлаш жадвали қуйидагича ифодаланади.



Бу олинган криптографик алгоритмларнинг бардошлиги даражаси бўйича туркумлаш жадвали уларни бардошлигини баҳолаш усуллари ишлаб чиқишда тизимли ёндошув йўналишларини аниқлаш учун асос бўлади.

АДАБИЁТЛАР

1. Акбаров Д.Е. Ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг криптографик усуллари ва уларнинг қўлланилиши – Тошкент, “Ўзбекистон маркаси”, 2009 – 434 бет.
2. Акбаров Д. Е., Ахмадалиев Ш.Ш., Хасанов П. Ф. Параметрли алгебра амалларидан фойдаланиб мавжуд ҳисоблаш мураккабликлари асосида янги асимметрик алгоритмлар яратиш усуллари //Инфокоммуникации: Сети-Технологии-Решения. -1(9)/2009. -с. 31-35.
3. Хасанов Х. П. Тақомиллашган диаматрицалар алгебралари ва параметрли алгебра асосида криптолизимлар яратиш усуллари ва алгоритмлари. –Тошкент, 2008. -208 б.
4. Акбаров Д. Е. Разработка алгоритма цифровой подписи на основе композиции существующих сложностей // Инфокоммуникации: Сети-Технологии-Решения.-3 (7)/2008. -с. 46-49.
5. Акбаров Д. Е., Собиров Ш.О. Скрытое использование параметра R эллиптической кривой, связанного случайно выбранной величиной, как параметр проверки подписи ЭЦП. //ФарПИ Илмий-техника журнали. -2009. №1.-с. 3-11.
6. Акбаров Д.Е., Собиров Ш.О. Алгоритм ЭЦП на эллиптической кривой в композиции сложностей вычисления дискретного логарифмирования и факторизации натуральных чисел на простые множители // Интернет журнал «Аспирант и соискатель» www.sputnikplus2000@mail.ru. -2009 г. июнь.
7. Акбаров Д.Е., Собиров Ш.О., Азизов Э.Ю. Latent use of parameter R of the elliptic curve, as parameter of check eds, with application of algorithm of enciphering It promotion in asia 2009, September 21-25, Tashkent University of IT // Труды международной конференции. - с. 187-191.
8. Акбаров Д.Е., Собиров Ш.О., Азизов Э.Ю. Шифрлаш алгоритм орқали эллиптик эгри чизик R параметрининг ЭРИ текширишнинг яширин параметри сифатида ишлатиш // ФарПИ Илмий-техника журнали. -2009 № 3. -с. 3-7.
9. Акбаров Д.Е., Собиров Ш.О. Маълумотларни шифрлашнинг симметрик калитли алгоритми яратиш // ФарПИ Илмий-техника журнали. -2009 № 2. -с. 3-6.
10. Мусаев А.И. Криптобардошли алгоритмларни комбинациялашга асосланган узлуксиз шифрлаш алгоритми // ТАТУ хабарлари. - Т., 2010. - №2. - Б.21-24.

Кўкон давлат педагогика институти

кабул қилинди: 29.06.2012 й.

КИМЁВИЙ ТЕХНОЛОГИЯ ВА ЭКОЛОГИЯ

УДК. 631.004:658.6

**КИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА ФИРМАВИЙ ТЕХНИК СЕРВИС КЎРСАТИШ ТИЗИМИ
ТУЗИЛМАСИНИНГ ЗАРУРАТИ ҲАҚИДА****Акбаров Ш.Б., Рустамов Р.М., Акбаров А.А.**

Мақолада қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва унда қилинаётган қишлоқ хўжалиги техникаларидан фойдаланиш, сақлаш ва таъмирлаш ишларининг ҳозирги аҳволи ва уларни яхшилаш бўйича техник – сервис кўрсатиш тизими тузилмаси зарур эканлиги ҳақида сўз юритилади.

В статье говорится о том, что за рубежом и там где поставлены их машины налажены фирменные технико - сервисные обслуживания за сельскохозяйственными машинами. Эти услуги организованы силами и средствами Генерального агентства машинопроизводителей.

In the article is reported about tooled firm work – services for agricultural cars abroad. These services organized by the help and facilities of the General agency of car producers.

Хорижий давлатларда қишлоқ хўжалиги машиналарига ФТС кўрсатиш ишлари муайян тизим шаклида ташкил этилган. Бундай тизим асосан машинасозлик компаниялари, фирмалари ва корхоналари улар томонидан ишлаб чиқарилган техника воситаларини импорт қилган давлатларда ташкил этилган генерал агентликлар, сервис (техник) марказлари ва дилерлик шахобчалари дилерлар) ҳамда техника воситаларининг эгалари ва улардан фойдаланувчилар (машина-трактор станциялари, фермерлар, кооперативлар, деҳқон хўжаликлар) каби элементлардан ташкил топган.

Ўзбекистон Республикасида замонавий қишлоқ хўжалиги машиналарига ФТС кўрсатиш тадбирларида машина операторлари, туман МТПлари ва сервис марказларининг кўчма ва кўчмас устахоналари ҳамда диспетчерлари, яъни бир нечта ижрочилар катнашадилар. Бу ижрочиларнинг ҳар бири тегишли меъёрий ҳужжатларда белгилаб қўйилган аниқ вазифаларни бажаради. Таҷрибалар кўрсатмоқдаки, бир ижрочи томонидан бажарилган ишнинг сифати иккинчи, иккинчисиники учинчи ижрочининг иш сифатига тўғридан-тўғри таъсир этади ва улар ўзаро бирлашиб, пировардида машинанинг техник ҳолатини белгилайди. Масалан, оператор машинани нотўғри ишлатса, у тез бузилади. Бузилган машина сервис марказлари механиклари томонидан ёки таъмирлаш устахоналарида сифатсиз тузатилса, у таъмирдан кейин узок ишламайди ва қайтадан бузилади. Демак, қишлоқ хўжалиги машиналарига ФТС кўрсатиш жараёни моҳияти жиҳатидан яхлит тизимга, ФТС ижрочилари эса мазкур тизимнинг элементларига ҳос хусусиятларга эга [1].

Афсуски, мавжуд илмий адабиётларда [2, 3] қишлоқ хўжалиги техникаларига ФТС кўрсатиш жараёни яхлит тизим шаклида ўрганилмаган. А.Андреев, А.Э.Северный, В.И.Чернованов ва бошқалар [3] хорижий давлатларда амал қилаётган ФТС тадбирларининг асосий ижрочилари-дилерларнинг вазифалари ва функциялари ҳақида ахборот берганлар, ҳолос. Дилер фаолияти самарадорлигини белгиловчи параметр ва кўрсаткичлар (масалан, дилерлик шахобчасининг жойлашиш ўрни, сервис автомашиналарининг оптимал сони, хизмат кўрсатиш тезкорлиги ва сифати) назарий жиҳатдан тадқиқ этилмаган.

Техника фанлари доктори В.И.Черновановнинг тадқиқотларида мураккаб кишлок хўжалиги машиналарининг пухталиги ва иш қобилиятини сақлаб туришда ФТС изимининг зарурлиги таъкидланган, аммо бу системанинг ташкилий, техникавий ва иктисодий масалаларига доир назарий ва амалий томонлама изланишлар ўтказилмаган. В.Варнаков, В.Стрельцов ва В.Поповларнинг китобида [2] дилерлик корхоналарининг маркетинга, дилерлик хизматининг техникавий ва иктисодий томонлари, ТХКда дилерлик тизимининг ўрни ва дилерлик хизматининг ташкилий тузилмалари ҳақидаги умумий маълумотлар келтирилган. Бу соҳадаги илмий тадқиқотлар натижалари китобдан жой олмаган.

Маълумки, сервис корхоналари ёки пунктларининг улар томонидан хизмат кўрсатиладиган объектларга (масалан, туман ва муқобил МТПлар, замонавий трактор ва комбайнлар жамланган машина саройларига) нисбатан жойлашиш ўрни ФТС кўрсатиш тезкорлиги, ҳажмлари, сифати ва умуман ФТС тизими самарадорлигига қаттиқ таъсир этади. Шу сабабли уларнинг рационал (оптимал) жойлашиш ўрнини аниқлаш (асослаш) долзарб илмий масала ҳисобланади.

Демак, Ўзбекистон шароитида сервис марказларининг (пунктларининг) рационал хизмат кўрсатиш радиусларини аниқлашда нафақат улардан туман МТПларигача бўлган масофаларни, балки ПГУ туманлар ҳудудидаги фермер хўжаликлари далаларида ишлаётган машиналарда содир бўладиган бузилишлар ҳажмлари, турлари ва частоталарини ҳам ҳисобга олиш лозим бўлади.

Кишлоқ хўжалиги машиналарини ишлатиш ва синаш натижалари уларнинг иш жараёнида турли хил даражадаги (мураккабликдаги) носозликлар пайдо бўлишини кўрсатиб турибди. Уларни бартараф этишда ФТС тизими элементлари (каналлари) алоҳида-алоҳида эмас, балки биргаликда фаолият кўрсатади. Шунга қарамадан бу элементларнинг ўзаро фаолият кўрсатиш структураси тузилмаган. Демак, ФТСнинг ҳар бир ижрочиси (оператор, МТП, Сервис корхонаси) ўз малакасига кўра қандай мураккабликдаги носозликни қандай эҳтимоллик билан бартараф эта олади, деган савол ҳозиргача жавобсиз қолмоқда.

Мураккаблигидан катъий назар, «Кейс» чигит экиш сеялкалари, ғалла комбайнлари, пахта териш машиналари ва «Магнум» хайдов тракторлари, «Доминатор-130», «Дон-1500Б» дон комбайнлари каби замонавий машиналарда содир бўладиган носозликларни бартараф этишда Сервис корхонаси ёки кўчма сервис автомашинаси (устахонаси) томонидан сарфланадиган умумий ўртача вақх қийматини аниқлаш формуласи тузилмаган. Сервис корхонаси билан туман МТПлари орасидаги ўртача йўл масофаси, битта носозликни, даланинг ўзида тузатиш учун Сервис автомашинаси механиги сарфлашга ҳақли бўлган максимал вақт каби ФТС тизими параметрларининг рационал қийматларини ҳисоб-китоб йўли билан аниқлаш имкониятини берадиган аналитик боғланишлар чиқарилмаган ва тегишли статистик тадқиқотлар ўтказилмаган.

Республикамызда фаолият кўрсатаётган сервис корхоналарининг, шу жумладан, «ЎзКейссервис» ҚКнинг вилоят сервис марказлари кўчма устахоналарининг математик моделлари яратилмаган. Натижада «Кейс», техникаларидаги битта носозликка битта устахона томонидан ўртача хизмат кўрсатиш интенсивлиги ёки бир бирлик вақт ичида хизмат кўрсатилган (кондирилган) талаблар (тузатишлар) сони, бир бирлик вақт ичида сервис марказига келиб тушадиган талаблар сони ёки шу вақт ичида машиналарда содир бўладиган бузилишлар сони, кўчма устахонанинг носоз машиналарга ТХКда юкланиш (бандлик) даражаси, тузатилиш учун навбат кутаётган машиналарнинг ўртача сони ва уларнинг далада тўхтаб қолган ўртача вақтига ўхшаш ФТС тизимининг муҳим параметрлари аналитик ва статистик усуллар ёрдамида асослатилмаган.

Ўзбекистон кишлок хўжалигида шаклланиб келаётган ФТС тизимлари фаолиятида бир қатор камчиликлар бор. Хусусан, «Кейс», «Класс» ва «Ростқишмаш» компаниялари техникаларини ишлатиш жараёнида (бир йилда ёки битта агротехник мавсум давомида) содир бўладиган носозликларнинг ҳажмлари, частоталари ва турлари ханузгача

аникланмаган. Бу ҳолат машиналарни мавсум олдида таъмирлаш ишларини режалаштириш ва бажариш, мавсум давомида машиналарга ТХК ва уларни таъмирлаш учун зарур бўладиган эҳтиёт қисмлар ҳажмлари ва турларини аниқлаш ҳамда захирасини олдиндан етарлича барпо этиш имкониятини бермаяпти.

Энг асосий камчилик: замонавий машиналарда содир бўлган бузилишларни тузатиш бўйича юзага келаётган талаблар оқими ва уларни ФТС ижрочилари томонидан кондирлиши жараёнларининг ўзгариш қонуниятлари аниқланмаган ҳамда машиналарга кўрсатилган ФТСнинг статистик параметрлари ҳисоблаб топилмаган.

Демак, ФТС кўрсатиш тизими тузилмасини асослаш, унинг математик ва статистик моделларини ишлаб чиқиш ҳамда иктисодий самарасини аниқлаш долзарб илмий масаладир.

АДАБИЁТЛАР

1. Тошболатов М. Рустамов Р. Кабулов М. Технические, технологические и экономические параметры систем «Изготовитель машин - исполнитель ФТС - потребитель ФТС» Экономический вестник Узбекистана. - 2003 - №8-9-С.7-9. 2. Технический сервис машин сельскохозяйственного назначения. В.В. Варнаков, В.В. Стрельцов, В.Н. Попов, В.Ф. Карпенков. -М: Колос. 2003. -253 с. 3. Технический сервис в сельском хозяйстве П.А. Андреев. А.Э. Северный. В.И. Чернышев и др. -М.: Колос, 1993. -48с.

Наманган муҳандислик - педагогика институти:

кабул қилинди: 16.04.2012 й.

УДК 661.632:661.56

ОТРАБОТКА ТЕХНОЛОГИЧЕСКИХ ПАРАМЕТРОВ ПРОЦЕССА ПОЛУЧЕНИЯ АЗОТНОФOSFOPHOKAЛЦИЕВЫХ УДОБРЕНИЙ НА МОДЕЛЬНОЙ ЛАБОРАТОРНОЙ УСТАНОВКЕ

Шеркузиев Д.Ш¹., Намазов Ш.С²., Реймов А.М³.

Мақолада лаборатория модел қурилмасида азотфосфоркальцийли ўғитлар олиш жараёнининг натижалари келтирилган. NPCa ўғитини олиш жараёнининг технологик параметрлари аниқланган.

В статье приведены результаты процесса получения азотнофосфорнокальциевых удобрений на модельной лабораторной установке. Определены основные технологические параметры процесса получения NPCa удобрений.

In this article results of process of obtaining fertilizers the nitrogenphosphatecalcium on modelling laboratory installation had been given. The basic technological parameters of process of obtaining fertilizers the NPCa had determined.

В работах [1-3] подробно изложены результаты исследований процесса получения азотнофосфорнокальциевых удобрений на основе разложения Кызылкумских фосфоритов при неполной норме азотной кислоты.

Технология получения азотнофосфорнокальцийсодержащих удобрений на основе разложения Кызылкумских фосфоритов при неполной норме азотной кислоты в основном состоит из следующих стадий: 1. Разложение рядовой фосфоритовой муки Центральных Кызылкумов при неполной норме азотной кислоты. 2. Разделение твердого осадка из нитрокальцийфосфатной пульпы (в случае получения NPCa – 1 удобрений) и аммонизация нитрокальцийфосфатной пульпы с последующим отделением твердой фазы из пульпы и промывкой влажного осадка водой (в случае получения NPCa – 2). 3. Сушка, грануляция, дробление и рассев.

Модельная лабораторная установка в основном состояла из цилиндрического реактора объемом 5 литров (0,005 м³), изготовленного из нержавеющей стали марки

